

51 (945) сон

24 декабрь — 30 декабрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

## ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН



2

4

## ОТА ОЁФИГА БОШ УРМАГАН КЕЛИН



МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ:  
ҲАММА ЙЎЛЛАР  
РИМГА ЭМАС,  
КЎНГИЛГА ЭЛТАР

13



15

## ҚАЙТАР ДУНЁ БУ



## 2010 ЙИЛ — “БАРКАМОЛ АВЛОД” ЙИЛИ



2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.



### КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 декабрь куни Оксаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

→ Қадим Бухоройи шарифда республика Меҳнат ва ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТнинг ACCESS лойиҳаси ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар II Миллий фестивали ўтказилди.

### БУГУН:

→ Тошкентдаги Халқ истеъмоли товарларининг кўرғазма-ярмарка савдоси республика маркази биносига 2010 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли товарларини харид этиш бўйича республика улгуржи савдо ярмаркаси иши давом этмоқда.

### ЭРТАГА:

→ 26 декабрь куни пойтахтимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган аънанавий “Қелажақ овози” республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлади.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Сабр ёруғликка етаклайди	5
«Ажрашаман» дейиш осон, лекин...	6
Теледастурлар	8-10
Мактабга... қуёв келди!	11
Ким меҳрга, ким тирноққа зор	12
«Маош» сўзининг маъноси...	13
Жомадонга сиққан қиз	15
«Мульти муҳаббат» савдоси	16
«Бахтли бўлинг» саҳифаси ўзгаради	16

### Муҳтарам муштарий!

Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улурроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

### ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176  
Ташкилотларга — 177



# ҲАМОНДА ҲАМОНДА ҲАМОНДА

Бакиржон ўшанда Янги йилга тайёргарликни жуда эрта бошлаб юборди. Уйига тинмай ҳали шарбат, ҳали қазми-қарта ва турли-туман ичимликлар ташигани-ташигани. Тўғри-да! Мана қарийб саккиз йил деганда ўз уйига эга бўлди. Енгилгина таъмирдан чиқарилган хонадонга кўчиб ўтганига эса бир ҳафта бўлди, 10-15 кундан кейин — Янги йил! Ҳа, ўз уйингда байрам кутганга не етсин! Энди меҳмонларни ҳам тортинмай чорлайверради. Худо хоҳласа, тонг отгунча роса хурсандчилик қилишади. Соат тунги 12 га бонг урганда эса, ҳаммалари кўчага чиқиб, мушак отишади! Бакиржон эринмай Қўйилуғ Урикзор бозорларини оралаб, сўраб-суриштириб, талашиб-тортишиб, анча-мунча пақилдоқлари, мушак, ҳатто тўрт қути бенгал шамчаларини ҳам сотиб олди.

— Барибир болаларингиз эрта ухлаб қолишади. Бунча пақилдоқ олгандан кўра, Назокатга кўртка обжелмай-сизми, тораий қолган, — мингирлади хотини.

— Болалар ухлашса, уйготаман! Байрамни уйимизда, қий-чув билан қўтиб оламиз, — бўш келмади у «жангоров трофея»лари солинган қўтини креслонинг орқасига тиккарган.

Хотиниям бошқа индамади. Ниҳоят, ўша кун ҳам келди. Ҳамма янги йил қўтиш тарадудиди. Кундузи Бакир ишхонасидаги зиёфатда, ўли мактабдаги тadbирда, хотини турли салатлар учун зарур айрим нарсаларни сотиб олгани бозорга кетганди.

— Ая, сиз билан борай, — деб ялинган беш яшар қизчасини эса «ҳаво совуқ» деб уйда қолдирганди. Назокат олдин телевизорда «мультик» кўриб ўтирди. Кейин олма егиси келиб, ошхонага ўтди. Қизиқ, кеча дадаси олмаю ноқлар олиб келганди-ку! Қаерда экан? Қизалоқ музлатични очди, ёпди, тортмаларни қараб чиқди. Кейин яна бармоғини сўриб, «мультик» томоша қилишда давом этди. Бирдан иргиб ўрнидан турди. Эслади. Кеча дадаси билан ойиси телевизорнинг ёнидаги креслонинг орқасига нимадир беркитишгаётган эди. Балки олмадир! Ахир ойиси ҳам ёзда ёпганкомпюту мураббларини диван, креслоларнинг ортига беркитиб қўярди-ку!

Назокат дўмбоқина, жажжи қўлчаларини оромқурсининг орқасига тикиб қўрганди, бир қўтига тегди. Қан-

дайдир каттақон ўйинчоқники бўлган бу қўтини ичкаридан тортиб чиқариш қизалоққа қийин бўлмади. Энди Назокат кресло ва ҳамон вагиллаб ётган телевизор орқалида ўтириб, ўша қўтини очишга уринарди.

Ниҳоят қизалоқ у ердаги алламбало қадокланган нарсаларни, кейин худди дурбинга ўхшаш узунчоқ бир нимани суғуриб олди. Ўша нарсанинг у ёғини айлантди, бу ёғини, бундай узун таёқнинг ичида нима борлигига қизиқиб, тагидан осилиб турган ипчасини бир тортган эди...

Ҳа, ўша кўнгилсиз воқеадан буён Бакирнинг оила-сига Янги йил оқшоми — энг кўнгилсиз кун. Ўшанда Назокат эҳтиётсизлик ва энг ёмони, ота-она назоратсиз қолганлиги оқибатида юзи, сочлари қуйиб кетганча жон ҳолатда чирқираб ўзини ташқи эшикка урганди. Аммо шу пайт орқасидан... даҳшатли овозлар эшитилди. Чунки қўтидаги бошқа пиротехника воситалари ҳам чўғ тушиши оқибатида бирин-кетин пақиллаб бошлаган, олов телевизорга ўтгач эса, портлаб кетганди...

Назокат ҳозир 7 ёшда. Аммо ўша бурроғина қиз энди дуудқулиб гапирди, ҳамон уйқусида чўчиб, алаҳсираб чиқади, ёзда эса, энгисиз қўйлақ қийишдан уялади: чунки ўнг қўлининг чандиқлари жуда кўрқинчли...

Эҳ, биз ота-оналар! Телевизор, радиода тегишли идоралар вакиллари тинмай бундай хавфли ўйинлардан огоҳ бўлишимизни тайинлашяпти, мактабга чакиртириб, «Фарзандимга пиротехника воситаларини сотиб олишига рухсат бермайман», деган тилхатлар ёзиб берадими, ҳар қуни участка нозирли келиб ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Аммо...

Атрофимизда айнан шундай кўнгилхушлиқлар оқибатида содир бўлаётган даҳшатли кўргуликлардан тўғри хулоса чиқарайлик. Фарзандимизнинг кўнглига қараб, эртага афсус чекмайлик. Янги йилни фақат мушакбозлик, соғлигимиз, ҳаётимизга хавф-хатар соладиган «ўйин»лар билан қўтиб олиш шарт эмас.

Гулирухсор ЭРГАШЕВА,  
Низомий номидаги ТДПУ доценти.

## ОГОҲ БЎЛИНИ



Эҳ, биз ота-оналар! Телевизор, радиода тегишли идоралар вакиллари тинмай бундай хавфли ўйинлардан огоҳ бўлишимизни тайинлашяпти, мактабга чакиртириб, «Фарзандимга пиротехника воситаларини сотиб олишига рухсат бермайман», деган тилхатлар ёзиб берадими, ҳар қуни участка нозирли келиб ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Аммо...

Атрофимизда айнан шундай кўнгилхушлиқлар оқибатида содир бўлаётган даҳшатли кўргуликлардан тўғри хулоса чиқарайлик. Фарзандимизнинг кўнглига қараб, эртага афсус чекмайлик. Янги йилни фақат мушакбозлик, соғлигимиз, ҳаётимизга хавф-хатар соладиган «ўйин»лар билан қўтиб олиш шарт эмас.

## ҚОНУН ВА ИЖРО

Биз катталар кўпинча фарзандларимизнинг ҳаётига оид бирор муаммони ҳал этаётганда уларнинг фикри билан қизиқмаймиз. Бу муҳим эмас деб мулоҳаза юритамиз. Ҳаттоки бирор спорт тўғарамига ёки ўқув машғулотларига йўллаётганимизда ҳам уларнинг истак-хоҳишларига қараб эмас, ўзимизнинг имкониятларимиздан келиб чиқиб, «Менга шу соҳа ёқди, шу касбини танлайсан», деб туриб оламиз.

...Яқинда бир аёл билан сўхбатлашиб қолдим. У қизининг ўз келажагига бўлган лоқайдлигидан нолиб қолди. Айтишича, қизи мактабни тамомлаб, тиббиёт олий даргоҳида ўқишни мақсад қилган. Фарзандининг шифокор бўлишини истамаган ота-она қизининг ҳужжатларини ўйлаб ҳам кўрмай, педагогика йўналишига топширган. Уйдагиларининг хоҳишига қарши боролмаган қиз, ўзига ёқмаган касб бўйича билим олишга мажбур бўлган. Бир амаллаб ўқишни битиргач, мактабга ишга жойлашган. Аммо кўп ўтмай у бу касбни ташлаб кетган. Сабаби унда ўқитувчилик касбига нисбатан мەҳр, қизиқиш бўлмаган. Ваҳоланки, агар унинг фикрига қулоқ солиб, етарли имконият яратиб берилганида келажақда тиббиёт соҳасига нафи тегадиган малакали шифокор чиқиси мумкин эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат томонидан изчил сиёсат олиб борилиши ўз аксини топган.

Ушбу қонун 4 боб, 32 моддадан иборат. Қонуннинг 3-боби «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг кўшимча кафолатлари» деб номланган. Бундан шу нарсани аңлаш мумкинки, бу муҳим ҳужжатда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун алоҳида кафолатлар белгиланган. Булар қуйидагилар:

— ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган

бўлган ҳуқуқи;  
— таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари.

Ушбу қонун бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймайлик, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, бу борада давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиклиги ва ошқоравийлиги қонунда баён этилган.

Дунёга келган ҳар бир бола энг аввало оилада вояга етади, тарбия топади. Унинг камол топиши учун ота-она ҳам, давлат ҳам бирдек жонқуярлик кўрсатади. Шунинг учун қонуннинг 12-моддасида болаларни тарбиялаётган оилалар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 15-моддасида эса «Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир» дейилган. Оила тинч, фаровон, барқарор бўлса, унда тарбияланиб, вояга етаётган келажақ авлод ҳам маънавий етук, теран фикрли, соғлом ва камил инсон бўлиб улғаяди.

Халқимиз азал-азалдан болажон халқ ҳисобланади. Фарзандининг униб-ўсиши, камил инсон бўлиб етишиши учун қўлидан келган барча ишни амалга оширади. Мазкур қонун ҳам халқимиз руҳиятига, бола тарбиясидаги аъналарига мослиги билан қимматлидир.

Ҳолида АҚРОМОВА,  
Тошкент шаҳар,  
Бектемир тумани,  
ФХДЭ бўлими мудири.

## БОЛА АЗИЗ...



ҳуқуқи;  
— уларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи;  
— турар жойга бўлган ҳуқуқи;  
— ижтимоий ёрдам олишга

## Оила ва жамият

### ВАЗИРЛИҚДА АНЖУМАН

Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Республика аҳолиси ва худудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирли, генерал-майор Қ. Аҳмедов фуқароларимизнинг тинч-осойишталиги билан бир қаторда уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ва худудларни табиий ҳамда турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда мамлакатимиз Президентининг тегишли фармон ва қарорлари асосий дастуриламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Тadbирда сел ва сув тошқини, шу жумладан, қор қўчиш хавфи бўлган айрим худудлардаги объектларнинг мониторингини олиб бориш, хавфли геологик жараёнларни кузатиш орқали фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга уларнинг оқибатларини бартараф этишда айрим масъулиятли муассасалар (санитария эпидемиология хизмати, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиротехника воситалари назорати) фаолиятга тегишли вазифалар ҳам муҳокама этилди.

### ТАНЛОВЛАР ЯҚУНЛАНДИ

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» деб номланган танлов Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамкорлигида ўтказилиб, яқинда фойдаланган эълон қилинди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишларича, ушбу танловга мамлакатимизнинг барча худудларида, шунингдек, пойтахтимиздаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг 600 га яқин ижодий ишлари тақдим этилган эди.

Учта совринли ўринларга Андижон вилоятининг «Андижоннома», Қашқадарё вилоятининг «Қашқадарё» ҳамда Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газеталари ижодкорлари сазовор бўлди.

Журналистлар ва ҳуқуқшунослар ўртасида ўтказилган «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА» деб номланган танлов ҳам яқунланди. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирокида фойлиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими қизгин кечди.

Ниҳоят, фойлиблар номлари эълон қилинди: Адлия вазирлигининг Биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари «Самарқанд-СТВ» ижодий уюшмаси, ORIAT ТРК, «Инсон ва қонун» газетаси ҳамда Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерациясига тантанали суратда топширилди.

Шаҳноза РОФИЕВА,  
Барно СУЛТОНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбирлари.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНИДА:

Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими раҳбари Баҳодир Ҳайитматовнинг хабар беришича, туман маънавий ва маърифат Кенгашининг 2009 йил якунларига бағишланган йиғилиши Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейда бўлиб ўтибди. Унда туман миқёсидаги ташкилот ва муассасаларда маънавий-маърифий ишлар бўйича амалга оширилган тadbirlar атрофича таҳлил этилиб, эришилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу раъз остида берилган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

✓ 2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

## СИЗ ЧАҚМОҚСИЗ...

Остонамизда 2010 йил эшик қоқиб турибди. Камолот ёшига етган азиз ва мукаррам фарзандларим, барчангизни Янги йил билан, гўзаллик олами билан чин юракдан табриклайман. Мен барчангизни «азизим» деб атадим. Чунки ҳар бирингиз менинг кўнглимга яқинсиз. Сизнинг саодатингиз — менинг ҳам саодатим, бахту иқболингиз менинг ҳам бахтим, иқболимдир. Гўзаллик олами билан кўтладим. Чунки ҳаётда гўзаллик ахтарган, гўзалликка интилган инсоннинг ўзи гўзал бўлади. Йилгитлари марду майдон, қизлари сулув, дилбар бўлади-да.

Юртбошимиз 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номладилар. Бу ҳам бежиз эмас. Эртанги кунимизнинг янада гуллаб-яшнаши, фаровонлиги, қудрат ва камолот сари бориши сизларга боғлиқ. Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан айtilган самимий дил сўзларини тинглаб, юрагим ҳалқирди. Кўнглим тоғдай кўтарилди. Айниқса, биз қалам аҳли ҳам ёшлар камолоти, улар учун давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар, ғамхўрликлар ҳақида ҳаётий ҳамда ибратли мисолларни кўпроқ ёзишимиз зарурлигини ҳис этдим.

Тасаввур қилинг: боғча ёшидаги болакайнинг белига белбоғ боғлаб, мусобақага тушишдан тортиб, дунё ареналарида ўзбекистонлик спортчилар эришаётган қатор муваффақиятлар замирида юртимиздаги тинчлик, тотувлик ва ҳажмиҳатлик ётганини ҳамма эътироф этаётди.

Баркамоллик — бу — етуклик, тийраклик, учқурликдир. Баркамоллик — бу зийраклик, донолик, жисмоний бақувватлиқдир. Бу — чақна туриш, демалки чақмоқдек ёниб, оддийликдан мураккаблик сари интилишдир.

Кўзимизни каттароқ очиб, чор атрофга боқайлик. Ахир не-не нохуш воқеа-ҳодисалар рўй бермапти дейсиз жаҳон айвонида? Биз эса шуқрона айтайлик, юртимизда барқарор бўлган ТИНЧЛИКнинг қадрига етайлик, азизлар! Яна бир тилагим: устоз ва мураббийлар, ижодкорлар, отаналар, айниқса, менинг ёшимдаги нуруний, дуоғуй бува ва бувижонлар баркамол авлод — эртанги ишончли ворисларимиз юрагига она Ватани севмоқ — иймони бутлигини исботловчи оддий ҳақиқат эканлигини чуқур сингдирайлик.

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган маданият  
ҳодими.



Мамлакатимизда эстрада санъатини янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий жамоалар ва ижрочиларга етарли шарт-шароит яратиш, соҳанинг иқтисодий-ҳуқуқий томонларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солиниши ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ходимлари фаолиятида муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2001 йил 1 июлдан бошлаб «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО

мазкур қарорда белгиланган талабларни амалга ошириш борасида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан бир қанча тегишли тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда мазкур туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган 21 хўжалик юритувчи субъектлар аудио-видео кассеталарни тарқатиш ва 7 та хўжалик юритувчи субъект эса гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Президентимизнинг юқорида қайд этилган муҳим қарорига биноан грампластинкалар, аудио ва видео кассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш бўйича фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши ва

## ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

ҳуқуқи учун лицензия олган юридик ва жисмоний шахслар бюджетта давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этилиши, фаолиятини бошлаётган ижодий жамоалар ва ижрочилар томонидан гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда улар томонидан бож давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб биринчи йилда бошлангич ставка бўйича тўланиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслардан лицензия учун тўланадиган йиғимлар суммаси, шунингдек, лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлиқ миқдорда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси уставида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгилаб ўтилган.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида

худудий ҳокимликлар томонидан лицензияланиши кераклиги белгилаб ўтилган. Демак, мазкур қарор бевосита юқорида келтирилган барча хўжалик юритувчи субъектлари учун дахлдордир.

Бундан ташқари, грампластинкалар, аудио ва видеокассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш бўйича фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар мулк солиғидан ташқари солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлаш ўрнига бюджетга ўзларининг даромад олиш даражасидан келиб чиққан ҳолда мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган миқдорларда табақалаштирилган ставкалар бўйича ялпи даромад солиғи тўлашлари қайд этилган.

**Зиёдулла ЖўРАЕВ,**  
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани  
ДСИ шўъба бошлиғи.

## ШАҲАРДАГИДЕК ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Азал-азалдан водий аҳли ободончиликка, бунёдкорликка меҳр қўйганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис бугунги кунда Қамчиқ доvonидан ошиб ўтишингиз биланок янги-янги бино ва иншоотлар, йил сайин чирой очаётган боғ-роғларга кўзингиз тушади. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг шу йил 3 августда имзолаган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш борасида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида амалга оширилаётган хайрли ишлар таҳсинга лойиқ. Яъни 2009-2010 йилларда мазкур туман ҳудудидан ажратилган 5 гектар майдонда намунавий лойиҳалар асосида 45 тадан ортиқ турар-жойлар қуриш режалаштирилган.

Айни пайтда «Қишлоқ қурилиш инвест» иختисослаштирилган инжиниринг компанияси томонидан тайёр ҳолда топшириш шарти билан қурилаётган биринчи босқичдаги 20 та икки оилага мўлжалланган икки қаватли уйлар бино ҳолатига келтирилиб, уларда том ёпиш ва пардоз-андоз ишлари олиб бо-

рилмоқда. «Кўкон қурилиш» ишлаб чиқариш корхонаси, «Ғиштчи» масъулияти чекланган жамияти томонидан керакли қурилиш материаллари пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Ушбу ўзига хос бунёдкорлик майдонида юздан зиёд кўли гул қурувчиларимиз ишлашяпти, — дейди «Кўкон агроқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Икромжон

✓ ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ



**ЭРГАШЕВ.** — Шу кунларда 1 — босқич лойиҳасига киритилган 20 та уйда якуний ишлар олиб бориляпти. Битта ҳовлининг умумий баҳоси 70 миллион сўм ҳисобида баҳоланиб, «Қишлоқ қурилиш банк» и томонидан молиялаштирилгани ҳамда 25 фоизли тўловдан сўнг кредит мuddати 15 йил белгилангани фуқароларимизга жуда маъқул бўляпти.

**Ноила ХОЛМАТОВА,**  
«Оила ва жамият» мухбири,  
Фарғона вилояти.

**Суратни Нодир ЁРМАТОВ**  
олган.



Бу ҳақиқатни Бўка туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида яшаётганлардан сўрасангиз, тўлкинлини айтиб беришади. Негаки, бу гўшада нуруний, дуоғуй кексалар ҳар қандай хайрли ишга бош-қош. Айниқса, умр бўйи бири далада ҳосилотлик, иккинчиси эса мактабда муаллимлик қилиб, айни пайтда қариллик гаштини сураётган Абдуҳақимхўжа ота ва Хадичахон аялар ҳақида гап очилса борма, каттаю кичик эҳтиром ила уларни мақтай кетади.

Нега десангиз саксонни қоралаб қолган бўлсалар-да, уларсиз қишлоқнинг бирон тўймаърақаси ўтмайди. Чунки бир етак болаларини воёга етказиб, элга қўшган чол-кампир ҳамон кўпчиликка ўрناق.

**АБДУҲАҚИМХЎЖА ота:**

— Элчилик-да, деярли ҳар куни уйимиздан одам аримайди, биров экин экяётган ё ерини ҳайдатаётган бўлсам маслаҳат сўрайди, яна кимдир тўйга айтиб келади, бошқаси эса озгина ёрдамга муҳтож, қўлимдан келганча кўмаклашаман. Уғилларимга тайинлайман, улар ҳам қараб туришмайди. Э, нимасини айтасиз, бир замонлар ўртаҳол хўжаликлардан иборат бўлган бизнинг қишлоқлар ҳозир жуда обод бўлиб кетди. Кейинги беш-ўн йил орасида одамларимиз бойиди. Ҳар уйда бўлмас битта мошин бор, трактор, чорва дейсизми бор, ҳамма ишибилармон. Оддий ми-

✓ ДУОҒУЙЛАР

сол, олти-етти сотих томорқасининг орқасидан бойиб кетаётганлар қанча. Қандини урсин, ҳалоли бўлсин шундайларнинг!

**ХАДИЧА ая:**

— Фақат Хўжақўрғонда эмас, балки қўшни қишлоқларда ҳам менинг шогирдларим кўп. Кўча-кўйда кўриб, таниб қолишса, «устоз, мени ўқитгансиз, ҳозир фалон жойда ишлайман, минг раҳмат сизга» дейишади. Бу гапларни эшитиб, бошим осмонга етади. Чунки ўқитувчи халқи фақат қирчиллама ёшида эмас, қариганида ҳам чексиз ҳурмат-иззатга муяссар бўлар экан...

Дарвоқе, узукка кўз қўйгандек, бир-бирларини аяб, эъзозлаб яшаётган бу инсон-

## БЎКАДА БИР ҲОВЛИ БОР

ларнинг фарзандлари ҳам бугун эл-улус орасида ўзига яраша обрў-эътибор қозонилган. Ота-оналарининг йўл-йўриқлари туфайли Муҳиддин, Сайиддин, Сайидхўмад, Сироҳиддин, Зиёвуддин ва бошқа фарзандларнинг бари турли соҳалар бўйича олий маълумотга эга. Яна бир қувончли жиҳати, бу аҳил оила аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, «Ортиқхўжа Абдуҳақимхўжа» фермер хўжалигини ҳам ташкил этишиб, юз гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. «Бизлар ота-онамизнинг дуоларини олиб кам бўлмадик. Ишонасизми, уларга ҳозир ҳам, ўзимиз оила эгалари бўлсак-да, ҳар кун ҳисоб берамиз, маслаҳат оламиз» — дейишади фарзандлар ҳам бараварига.

Хайрлашаётганимизда отахон қўлимизга бир сурат тутқазиб «агар илжои бўлса, шу расмини газетингизда берсангиз. Санаторий ходимлари билан суратга тушгандик. Яқинда болалар кўярда-қўймай бизларни «Турон» санаторийсига юборишувди. Маза қилиб дам олиб келдик», дея дуога қўл очди.

**Турдикул НОРМАТОВ,**  
«Оила ва жамият» мухбири.

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ:

✓ ГУРУНГ


# ҲАММА ЙЎЛЛАР РИМГА ЭМАС, КЎНГИЛГА ЭЛТАР

СУХБАТДОШ ҲАҚИДА СЎЗ:

Матназар АБДУЛҲАКИМ 1948 йилда Урганг туманида таваллуд топган. Хоразм Маъмур академиясида хизмат қилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

"Қор кўшиги", "Ёнимдаги дарёлар", "Ойдинлик", "Ялдонч ёритган нур", "Иккинчи муаллим сабоқлари", "Жавзо ташрифи", "Кўприк" ва бошқа ўнлаб номлардаги бадий ва илмий китоблари чоп этилган.

Оиласида икки ўғил, икки қизи, ўндан ортик набиралари бор.



бўлиб келгучи Янгибой ота(тахаллуси шоир Орзу), Абдулқодир ота(Махбубий)-лар чин маънода илм "толиб"лари эканлар...

Онамни эса элас-элас эсламан. Мурвати буралса, ўзи сакрайдиган уйинчоқ — эҳтимол, қурбақадир, совға қилганлари ёки мен номини эмас, таъминигина биладиган ширинлик(балки новводтир)-ни қўлим етмайдиган баландлиқда тутиб туриб, талпинтирганларини зўрға хотирлайман. Лекин онам раҳматлининг ҳам меҳр-шафқат бобида гоят ибратли фазилатларга эга бўлганлиги билан боғлиқ ёруғ хотиравларни у кишини яқиндан билган одамлардан эшитганман.

— Шулардан бирортасини эслайсизми?

— Айтишларича, мен туғилмасимдан олдин, онам шом пайти даладан қайтиб келаётса, кўприк остидан кучукчалар овози эшитилибди. Бориб қараса, катта ариқ суви тошиб, ҳалиги жонзотлар ҳаётига хавф туғилганини сезиб, бир бурчакка тикилиб, жон сақлаб қолишга уринаётган экан. Онам бирдангина улар ётган жойни очиб, кучукчаларни уйимизга олиб келибди. Эртаси куни хонадонимизга келган меҳмонлар уларни битта-битта олиб кетишди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, отам билан онам Қорамон деган қишлоқда яшовчи танишлариникига тўйга бораётса, узоқдан бир баҳайбат ит улар томон югуриб келаётганини эшитди. "Иккинчи ҳам кўриб кетдик. Бир пайт ўша каттақон бўрибосар Тўхтажон(онамнинг исмларининг) оёқлари ортга ўзини ташлаб, унга суйкаланиб, эркаланиб маҳсиларини ялай бошлади, — деб ҳикоя қилган эди отам. — Бироздан сўнг у қандай тезликда келган бўлса яна шундай ҳолатда ортига қараб чопиб кетди. Биз эса ҳайрон бўлиб яна йўлга тушдик. Ва ярим соатча юриб, ошнамизникига кириб борсак, ҳалиги ит мезбоннинг ёнида турарди. Онам ҳайрон бўлиб "бу кучукни қаердан олувдингиз?" деб сўровди, итнинг эгаси кулимсираб "эслайсизми, опа, сиз кўприк тагидан кутқарган кучукчалардан бири шу эди-да", — деб жавоб берди...

Кўрпясизми, меҳрни фақат қуёшдан, муруватни эса ойдан эмас, ҳатто...ҳар иккаласини ҳам оддийгина сиз билан биз тил-забонсиз деб ўйлайдиган жонивордан ҳам ўрганиш мумкин экан-ку! Мен бу билан нима демоқчиман, ҳар биримиз меҳр-муруват тимсолига айланасак-кина, Савоб аталмиш бебаҳо бойликка эга бўламиз.

— Адабиётга дахлдор бир савол: Шоирлик нима ўзи? Қисматми, саодатми ёки "99 фоз меҳнат"ми?

— Шу ўринда яна отам раҳматлидан эшитган бир ривоят эсимга тушади. Эмишқи, баҳри муҳитда сон-саноксиз балиқлар оғизларини каппа-каппа очиб, абри найсонлар яъни баҳор булутларидан томчилар тушишини муштоқлик билан кутишаркан. Ана шу саноғи йўқ булут томчиларида ягона бир қутлуг томчи бўлиб, у ойда, йилдами, бир мартагина қайси балиқнинг оғзига тушса, ундан муборак дур яъни дури шахвор пайдо бўлар экан. Бу ҳодиса содир бўладими ё йўқми, ёлғиз худога аён. Саодатли тасодиф рўй бериб, дур пайдо бўлган тақдирда ҳам у моҳир заргарнинг қўлига тушса-кумин қарра яъни, тушмасачи? Меҳр билан ишлов берилса, ҳақиқий баҳосини олади, аксинча оддий бир тош ҳолида қолаверади.

— Матназар оға, умримиз яна бир янги довонга юзланыпти, шу аснода сиз билан дийдорлашиб, кўнглингиздан кечаётган туйғулар, орзу-умидлар ҳақида билмоқчи эдик. Тарих саҳифасига муҳрланаётган 2009 йил бир ижодкор, зиёли сифатида сиз учун қандай кечди?

— Сизу бизнинг қаламкашлигимизу, адабиётга озгина дахлдорлик жиҳатини бир четга қўйиб, кўнглингиздан кечаётган туйғулар, орзу-умидлар ҳақида билмоқчи эдик. Тарих саҳифасига муҳрланаётган 2009 йил бир ижодкор, зиёли сифатида сиз учун қандай кечди? Мен бу эътирофни шахсан ўз оилам, жамоам учун айтмайман, балки юртимиз, халқимиз ҳаётидаги қувончли воқеа, ўзгаришларни ҳам назарда тутаяман. Тўрт фаслда ҳам осмонга термулиб кун санайдиган деҳқону фермерни айтганимни, истиқлол йилларига келибгина елкасига офтоб тегиб, меҳнати ортдан қадр топаётган оддий муаллим ёки тақдирини шу элга нафи тегадиган ҳар қандай соҳа вакиллари оилаликми, ҳуллас, бу йил билан кўнглилари тўлиб хайрлашаётир, десам муболага бўлмас.

— Ўзингиз ишлаётган Маъмур академияси фаолияти хусусида сўзлаб берсангиз...

— Муस्ताқиллигимиз шарофати, Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланган бу академияда ўтган 12 йиллик давр мобайнида илмий-амалий жиҳати билан ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилди. IX – XII асрларда шу заминда яшаб ўтган улуг алломаларнинг бизгача етиб келган мероси изчил ўрганилмоқда. Шунингдек, воҳамиздаги ҳали тўлиқ очилмаган қатор археологик манзиллар мажмуаси рўйхатга олиниб, тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда академиямиз олимлари 16 та грант асосида фаолият юритиб, шу асосда давлатчилик тарихи, қўлёмаларни тадқиқот этиш, тарихий-меъморий ёдгорликларни ўрганиш, экология муаммолари, қишлоқ хўжалиги ва биология соҳаларини қамраб олган 6 та устувор йўналиш бўйича изланишлар

олиб боришяпти. Бу кенг қамровли ишлар академиямиз раиси, биология фанлари доктори Рўзимбой Ёшонов бошчилигида амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Айни пайтда қандай илмий-ижодий ишлар билан бандсиз?

— Устозимиз Эркин Воҳидов айтганлари каби "Бизлар ишлапмиз, бу меҳнат холос". Мақтанишмасу, лекин шахсан мен учун бу йил нашр йилли бўлди, десам арзийди. "Жавзо ташрифи", "Кўприк", "Азизлар анжумани" китобларим чоп этилди. Огаҳий ҳазратларининг 200 йиллик тўйига бағишлаб бу улуг шоир ҳамда унинг салаф ва ворислари ижодига мансуб форсий асарларни ўзбекчага ўғириб, тўплам ҳолида китоб қилдирдим. Яна бир ибратли томонини биласиз, мен кўп йиллардан бери Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ижодига қайта-қайта мурожаат қилиб келяпман. Ана шу, яхшими-ёмонми, узоқ йиллик ўрганиш ва изланишларим маҳсули сифатида "Таржимон талқинлари" деб аталган мақолалар туркумини ҳам ёзиб тугатдим, бу ҳам китоб бўлди. Қисқаси, бўш вақт йўқ. Айни пайтда "Мангулик жамоли", "Бўстон вақти" деб номланган китоблар устида ишлаяпман. Қаранг, то бошдаги дўппимиз бир айлангунича 2009 йил ҳам шамолдай ўтиб кетибди. Демак, Умр аталмиш дарё ҳам тўхтаб тургани йўқ. Бул зотларнинг ҳазинаси шу қадр бой ва улканки, уларни баҳоли қудрат тушуниш, англаш ва ниҳоят, ўз она тилимизга ўғириш учун ҳали қанча фурсатлар керак бўлади.

— Неча ўн йилларки, классик шоирларимиз бўлмиш Алишер Навоий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мирзо Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Шермуҳаммад Мунис, Мирзо Бедил, Комил Ҳоразмий, Рожий, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Ризо Огаҳийларнинг мумтоз ижод намуналарини таҳлил ва талқин этиш билан бирга уларнинг кўнгли кечинмаларини ҳам бизнинг юрагимизга сингдириясиз. Хўш, энди бир сирни айтинг-чи, неча аср-

ларки, бутун дунё маърифат ахлини ҳайратга солиб келаётган ул зотлар излаган ва истаган ҳақиқатлар не экан?

— Эҳ дўстим-а, қанийди, қуёшдек бўлсангу, жимгина нур сочаверсанг. Бунинг учун олов ўзингдан бўлиши керак. Ойдек нурни қуёшдан олсанг...буям яхши. Лекин қуёш бўлмоқ осонми? Қуёш бу — меҳр, Ой эса — муруват. Юқоридан сиз муборак номларини санаган улугларни қуёшга менгзасам, ҳеч шубҳасиз арзийди!


Одам қорнига эмас, қадрига йиғлайди, деган гап бор халқимизда. Уйланг, одамнинг қорни насибасига яраша топган ҳақи эвазига бир бурда нон билан ҳам тўяди. Лекин кўнглини тўйдириш қийин-да. Бир қарашда бу ҳам оппа-осондай туюлади... садаганг кетай кўнглини тўйдириш учун аввал уни...топиш керак!

Ҳеч эсимдан чиқмайди, дўстларимдан бирининг фарзанди бетоб бўлиб қолганида уни шифохонага ётқизишди. Дўхтирлар қўлларидан келгунича елиб-юғуриб, дардни шуқрки, чекинтиришди. Лекин боланинг чехраси очилмади, гамгин, тунд, руҳи эзгин эди. Отаси бечора ҳам сиқилиб, "намунча қисинасанг ўғлим, мана, тузалиб қолдинг-ку" деса, у "отажон, дўхтирларга айтинг, менга бир оғиз бўлсаям яхши гап айтсин" деб илтимос қилибди... Шу маънода айтмоқчиманки, ўзбек адабиётининг, ўлмас шеърининг фаҳри, гурури тимсолига айланган ана шу шоирларимиз излаган ҳақиқат битта эди: у ҳам бўлса КЎНГИЛ ҲАҚИҚАТИДИ!

Ўқигансиз, қадимги италияликлар "ҳамма йўллар Римга элтади" деган гапни айтган экан. Бекор гап бу! Нега дейсизми? Қани айтинг, дунёда одамларнинг кўнглини топиш асосий бурчи, вазифаси бўлмаган бирон бир касб борми? Йўқ, вассалом!

— Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган нақл бор. Сиз кўрган "уя"нинг тафти бугун хотирларингиз боғларини қанчалик ёритади, қанчалик соғинтиради?

— Раҳматли отам жуда маърифатли, илмли инсон эдилар. Мен асли она тарафдан отамнинг устози, кейинчалик эса қайнотаси бўлган Муҳаммадқарим охунлар сулоласига мансубман. Бу сулола вакиллари ўттизинчи йилларда Украинага бадарга қилиниб, тарқалиб кетган, тирик қолганлари бизнинг қавм-қариндошларимиз ҳисобланади. Эсимда, уйимизда отам ўз дўст-биродарлари билан бирга навоийхонлик, огаҳийхонлик, бедилхонлик кечаларини уюштирарди. Ана шу давраларда эшитганларим менинг кўнглимда адабиётга, шеърятга меҳр-муҳаббат уйғотган. Яна бир нарсаси, отамнинг фалсафаси қизиқ эди, инсон фақат ёшлаганда эмас, умр бўйи "толиби илм" ҳисобланади, дердилар. У киши кимни ана шундай номга муносиб кўрсалар, бу энг қимматли мақтов эди. Энди англаб етаяпман, уйимизга тез-тез меҳмон



Киссадан ҳисса: Ҳазрат Навоийни ўқийлик:

**Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимга айт.**  
 Ёки Муҳаммад Фузулийни эсланг:  
**Манда Мажнундин Фузун ошиқлик истеъдоди вор, Ошиқи содиқ манам, Мажнундин онжоқ оди вор.**

Демак, шеър ҳам, шоирлик ҳам омондаги булут томчиларидан эмас, балки Яратган томонидан одамзот кўнглига у дунёга келганидаёқ солинадиган дурри шахвор десам, янглишмайман. Сизни ҳайратга солган нарса бошқаларни ҳам лол этиши шарт. **Ҳайратланмаган одам таъсирланмайди, таъсирланмаган эса тарбияланмайди.** Мана шунинг ўзи шоирлиқнинг вазифасини белгилаб қўяди. Ишонинг, истеъдоду иқтидорни ҳам худ боеради.

— **Матназар ака, биз йил бошида газетамиз саҳифалари орқали “Энг зукко оила” деб номланган фикр беллашувига мухлисларимизни чорлаган эдик. Унда машҳур алломаларнинг адабиёт ва ҳаёт билан боғлиқ ибратли ҳикматларини эълон қилиб, шу билан бирга ўзбек оилаларида китобхонлик даражаси қай аҳволда эканлигини аниқлашга уриндик. Бизни суюнтиргани, ҳозиргача бу саволларга хатлар келаяпти, муносабат билдирилляпти. Албатта, бизнинг авлод-аждодларимиз азалдан маърифатга ошно бўлиб келган, энг яхши китобларни уйининг тўрига қўйиб макта-нишдан кўра, уларни аввал оилавий бўлиб биргаликда мутулаа қилишган. Ҳатто зиёли оила соҳиблари қизларини узатаётганларида сепига энг сара китобларни ҳам қўшиб қўйишган...**

— “Китоб — офтоб” деган гап бор. Лекин галати офтоб. Нега? У фалакиёт қонуниятларига биноан эмас, балки ақл ва кўнгли истагига қараб балқидиган офтоб. Тўғри, ҳар иккисининг ҳам вазифалари муштарак, ҳамоханг: ёритади, иситади, захарли микробларни ўлдирди. Чарақлаб чиқса, оламу одам кўнглини гулистон, чиқ-маса зимистон қилади. Балки сувсиз яшолмагани каби зиёли халқ, китобга чин дилдан ошно бўлган одам учун ҳам китоб ўқиш, мутулаа қилиш нафас олишдек гап.

Дарвоқе, халқимизнинг маърифатпарварлигига мисоллар жуда кўп. Эслайлик, жуда кўплаб хонадонларда Навоий, Бедилу Фузулий, Огаҳий ва бошқа яна ўнлаб даҳо ижодкорларнинг асарлари, “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларининг қўлма-қўл ўқилавериби, саргайиб кетган нусхаларини кўрганмиз. Бу анъана ҳозир ҳам давом этяпти. Айтганча, сеп ҳақида гап очдингиз, тўғриси, инсонийлик, ватанпарварлик, мардликка ва эзгуликка чорловчи китобларни бизнинг ўзбеклар грузинлардан аввалроқ ҳам ўз фарзандларига совга-салом сифатида улашганлар.

— **Гурунгимиз ниҳоясида “Оила ва жамият” газетаси ўқувчиларига қандай тилак ва ниятларингиз бор?**

— Китоб ўқиш, китобхонлик даражаси, мутулаа маданияти барибир газета-журналларга ҳам келиб тақалади. Яхши китоб танлай оладиган одам ўқишли, маърифий нашрларни ҳам ажрата билади. Пешона тери билан топган пулини бўлар-бўлмас, охири-адоғи йўқ ёлгон-яшиқ сериаллар ва ўқувчиларимиз дидини чарчаш ўрнига уни ўтмаслаштиришга “халис хизмат” қилаётган, энг ачинарлиси, эркак хотинидан, ота эса боласидан яшириб, бекитиб ўқиётган турли-туман семиз-ориқ газеталарга сарфламайди. “Оила ва жамият” газетаси йўналиши ва руҳиятидан келиб чиқиб айтадиган ниятим, энг аввало, юртимизга кўз тегмасин, халқимизнинг фаровонлиги, тинч-тотувлиги абадий бўлсин! Ҳар бир уйдан, хонадондан катталар эмас, чақалоқнинг йиғиси келсин! Кириб келаётган “Баркамол авлод йили” ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ва яна шунинг унутмангки, азизлар, одамларга яхшилик қилишдан кўркаманг, фақат бир шарт, қилаётган яхшилигингиз ўша инсонларга фақат манфаат етказибгина қолмасдан, балки уларни тарбияласин ҳам!

**Норқобил ЖАЛИЛ суҳбатлашди.**

## САБР ЁРУҒЛИҚДИР

✓ КЎЗГҮ

Сабр қилмоқ нима дегани, сабр-тоқатли одамлар нимага эришади? Нега кўпни кўрган бобо-бувиларимиз тилидан тушмайдиган сўзлар сабр-қаноат, тўзим?

— **Мен сабри бўла олмадим. Отанамнинг, яқинларимнинг «турмушнинг мушти бўлади, сабр қил, ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деган гапларини қулогимга олмадим. Тишимни-тишимга қўйиб, турмуш ўртоғимнинг менга берадиган озорларига чидай олмадим. Мана энди ёлғизлик азобини тотиб ўтирибман, у эса бошқа бир аёл билан бахтли-саодатли умр кечирмоқда. Оқибат бир кун собиқ эримнинг ўша аёлга ҳам роса азоб берганини, у эса ҳаммасига чидаб, рўзгор қилиб кетганини эшитдим-ку!**

Бу — турмушдан ажралиб, айни кунларда ёлғизликдан қиналаётган, ўзининг бесабрлигидан нолиётган аёлнинг сўзлари.

— **Ҳеч нарсани тушунмайдиган, одамлар билан муомала қилишни билмайдиган гўр ўспири эканман. Уша пайтда сабр қилиб, ўқитувчиларимнинг дўк-пўписаларини тўғри тушуниб, айтган топшириқларини вақтида бажариб, илм олиш машаққатларини сабот билан енгиб ўтганимда, мендан яхши математик чиқармиди?.. Ҳозир кимларнингдир хизматини қилиб юрмасдан, балки талабаларга сабоқ бераётган, катта-катта илмий анжуманларда маъруза ўқийётган бўлардим...**

Илм олиш, билим ўрганиш машаққатларига чидай олмай олий ўқув юртини ташлаб кетган собиқ талабанинг аламли армони бу!

Биз 17-18 ёшимизда «САБР» сўзининг қанчалик катта юки борлигини тушунмай-

миз. Ҳамма истакларимиз тезда амалга ошиши керак, хоҳлаган нарсамиз муҳайё бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Айни пайтда бирор пишириқ егимиз келяптими, ўшани ёйишимиз, янги туфли кийишни кўнглимиз тусаб қолдири, ўшани олишимиз шартдек гўё. Аммо ўша ширинликни ейиш учун аввал уни пишириш, туфли кийиш учун аввал шунга лойиқ пул топишимиз кераклигини ўйламаймиз ҳам. Яъни сабр қилиш кераклигини унутамиз. Ҳаттоки, «бесабрлик қилма, шошмай тур» каби сўзлар ҳам қулогимизга кирмайди.

Сабр аччиқ, аммо таъми ширин. Қадимий китобларда шундай ёзилади: **«Билгинки, сабрда хосият ва манфаат беҳисобдир. Сабр шундайки, мусбат ва бало айёмида дод-фарёд қилинмайди, дард ичга ютилади ва қоққоқ солиб, юз ўзгартирилмайди. Унинг яна бир кўриниши шундайки, одамлар орасида бечоралиқдан шикоят қилинмайди, тоқат ва чидам йўли тугилади».**

Айтишларича, бир улуг кишини тўхмат билан зиндонга ташладилар. У киши бу ҳолга тоқат қилолмай, бесабрлик йўлини тутиб безовта бўлаверди. Унинг яқин дўсти бор эди. Унга зиндондаги кишининг аҳоли ҳақида хабар бердилар. Дўст унга шундай мазмунда хат ёзди: «Эй, биродар, тақдирга тан бериб, сабр ва чидам йўлини тут, бу меҳнат ва бало бошингда бор экан, ўзингни қийнайверма. Бало ва меҳнат зиндонда сабру чидам йўлини тутсанг, улاردан қуйидаги хислатлар юзага келади. Биринчиси, гуноҳ қилишдан кўрқасан. Иккинчиси, саботлиқни ўрганасан. Учун-

чидан, гафлат уйқусидан уйғонасан. Тўртинчидан, озодлик ва тоза неъматлар қадрини биласан. Бешинчиси, ёмон ишлардан юз ўгириш, тавба қилиш бахтига эришасан. Олтинчидан эса фақат яхшилик қилиш, ёмонликдан узоқ бўлиш фикрига тушасан».

Зиндондаги киши дўстининг бу хатини ўқиб, сабр отига минди ва ортиқча ўзини ўзи қийнаш, безовталиқ йўлидан тийилиб, меҳнати енгиллашди.

Зунун Мисрий айтади: **«Сабр — бу барча меҳнат оғирлигини мардона енгиш, бечора ва ночор бўлса-да, ўзини бадавлатдек тутиш, кўринган кимсага аҳоли ҳақида шикоят қилма-вермаслик, гамли айёмда ҳам ўзини хандон ва очик юзли қилиб кўрсатиш-дир».**

Ёки айтилик, илм олиш, ҳунар ўрганиш игна билан кудуқ қазимоқ дейишади. Игна билан кудуқ қазийдиган одамда тоқат, қаноат, чидам қанчалик кўп бўлиши кераклигини эса яхши биламиз. Айниқса, илм борасида. Назаримизда, ҳозирги кунларда биз олмақчи бўлган билимлар, ўрганишимиз керак бўлган соҳалар шу қадар кўпайиб кетдики, баъзан шунча нарсани қачон ўқиб-ўрганамиз, тинимсиз ўқиш, билимимизни ошириш керак деб юраверсак, ўлғунимизча ҳам бу ишимизни тугата олмаймиз-ку, деб ваҳима қиламиз. Лекин вақтимизни тўғри тақсимлаб, ақлимизни ишлатиб ҳаракат қилсак, муҳими, йўлимизда учрайдиган қийинчиликларни матонат ва сабот билан енгиб ўтсак, кўзлаган мақсадимизга етишамиз.

Шарифа МАДРАХИМОВА

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

# «E S F I R»



**ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

\* Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмаклари

\* Бетакрор макияж

\* Косметология

\* Профессионал соч олдириш

\* Стилист-визажист хизматлари

\* Соч ва киприкларни турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)

\* Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)

\* Танага бадий услубда нақшлар чишиш (турли кўринишда)

\* Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.



**Манзил:** Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис

**Тел/факс.:** (+99871) 235-55-44,  
**моб:** (+99897) 465-00-44

# ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ

ЭКОХАРАКАТ  
ФАОЛИЯТИ



хофаза қилиш, биологик хилма-хилликни асраш ва тиклаш бўйича ишлардаги фаоллигини оширишдан иборат.

— Экоҳаракат фаолиятининг молиявий манбалари қандай шаклланди?

— Экоҳаракат қонунда белгиланган тартибда Устав ва Дастурида кўрсатилган устувор мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги молиявий манбалардан:

• юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган қонунчиликка зид бўлмаган хайрия ёрдамлари, шунингдек, экологик акцияларни ўтказишдан тушадиган маблағлар;

• Қонун ҳужжатлариға биноан Устав мақсадлариға мувофиқ бўлган ва уларға эришишға хизмат қилувчи тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;

• Экоҳаракатнинг буюртмалари асосида субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма тарзида Парламент комиссиясининг қарорлариға мувофиқ ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг маблағлари;

• Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлардан фойдаланиши мумкин.

Мен шу ҳаракатнинг бир оддий фаоли сифатида шуни ишонч билан айта оламани, қисқагина вақт ичида ўз ҳамкорлари, минглаб хайрихоҳларни бирлаштира олган Ўзбекистон экологик ҳаракати нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиз ҳудуди, қолаверса, дунё экологиясига бевосита дахлдор бўлган энг муҳим масалаларни муҳофама қилиш ёки муносабат билдириш билангина шугулланиб қолмайди, қонуний асосларға таянган ҳолда фаолият юротида, амалий иш олиб боради.

«Оила ва жамият» муҳбири  
Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.

Бугун бутун дунё ахлини иқтисодий кризис, гиёҳвандлик балоси, терроризм, бедаво хасталиқлар билан қаторда яна бир йирик глобал муаммо — экологик мувозанатнинг бузилиши ҳам таъшишға солаётти. Масалан, куни кеча Копенгаген шаҳрида яқунланган дунё глобал исишиға бағишланган халқаро анжуман иштирокчилари ҳам экологик вазиятнинг нақадар долзарб масала эканлигиға алоҳида урғу беришгани бежиз эмас. Чунки ер, сув, ҳаводаги мўътадил ҳолатнинг бузилиши турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, ўзимиз яшаётган минтақада ҳам бу борада аҳвол яхши эмаслиги аён. Чунки тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тизими даврида атроф-муҳит, бой табиятимизға белпандарча муносабатда бўлиниб, табиий бойликларимиз аёвсиз талон-тарож этилиши оқибатида, ўсимлик ва ҳайвот дунёси генофонди мувозанати бузилди. Биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа чиқиндиларнинг кўпайиши, чўлланиш, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал микёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммолар пайдо бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келажақ авлод учун

— Биласиз, экология соҳасида энг долзарб масалалар кун тартибига чиқарилган бир пайтда ўз фаолиятини бошлаётган Ўзбекистон экологик ҳаракатининг мақсадлари залворли: Ўзбекистон фуқароларининг шу жумладан, бугунги ва келажақ авлоднинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши, соғлиқни сақлаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашға оид ҳуқуқларға риоа этилишиға эришиш билан бирга аҳолининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, атмосфера, сув ва ер ресурслари, уларни зарарли чиқиндилардан му-



тоза табиий муҳитни сақлашға алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу муносабат билан 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси билан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилгани бугунги даврнинг муҳим талаби ҳисобланади. Ўзбекистон экологик ҳаракатиға ўн бешта депутатлик мандатининг квоталаниши, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси фаолиятини унинг иштирок этиши учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан парламент назоратини олиб бориш, ушбу соҳада давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг фаоллигини оширишға қаратилган тадбирларни мувофиқлаштириш учун зарур ҳуқуқий майдон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг фаолияти, олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида экоҳаракат фаоли, иқтисод фанлари номзоди Муртазо СУЛТОНОВ муҳиримизға қуйидагиларни сўзлаб берди:

БАХТ ОСТАНАСИ

## «АЖРАШАМАН» ДЕЙИШ ОСОН

Аввало оила мустаҳкам, тинч-тотув бўлса, жамият барқарор-лашади, униб ўсаётган фарзандлар ҳар томонлама камол топишиға имкон яратилади. Агар бунинг тескариси бўлса-чи? Албатта, бу жамиятнинг ахлоқий ва маънавий негизига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Минг афсуски, кечагина ҳаётға қадам қўйган баъзи ёш оилалар арзимоган сабаб билан бузилиб кетмоқда. Таҳлилий хулосаларға кўра, оилавий ажримларнинг асосий қисми турмуш қурганларнинг биринчи ўн йиллигиға тўғри келмоқда. Ёшларнинг ажралиши кўп ҳолларда қариндош-уруғчилик ришталарининг узилиб кетмаслиги мақсадида қурилган оила, эрларнинг мустақил фикрга эга эмаслиги, рўзгорни таъминлай олмаслик, ёшлар ҳаётиға қайнона-қайнотанинг ноўрин аралашувлари, қуда-андаларнинг ўзаро салбий муносабатлари сабаб бўлиши кузатишмоқда. Хусусан, ҳар бир ота-она аввало кўз олдида улғаяётган фарзандини ҳаётта тайёрлашда айрим жиддий масалаларға эътибор бериши шарт. Шулардан бири — эрта турмуш қуриш нафақат қизлар, балки йигитлар учун ҳам мақсадға мувофиқ эмас. Чунки бу ёшдаги йигит ҳали на иқтисодий жиҳатдан оилани тебратиш имкониятиға, на руҳий жиҳатдан оила бошлиғи тарбиячиси бўлиши

қобилиятиға эга эмас. Онанининг бағридан эндигина чиққан эрка келин қайнона синовларига дош беролмайди. Куёв эса моддий жиҳатдан ота-онасига қарам. Улар бир-бирларини қўллаш, тушуниш ўрниға ёшлиқларига бориб, бирдан «ажрашаман»ға тушишади. Еки яқин қариндошлар орасидаги никоҳлар оқибатида 90 фоиз ҳолларда нуқсонли фарзандлар дунёға келаётгани тиббиётда тасдиқланганиға нима дейсиз?

Туманимиз хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ФХДЁ бўлими қошида ташкил этилган «Оила дорилфунуни» да ёш келин-куёвларға юқоридаги каби аччиқ ҳаётий сабоқларни ҳам тушунтиряпмиз. Биз никоҳдан олдин ҳар бир уйланаётган йигит ва турмушға чиқётган қизға кўпни кўрган оила соҳибларининг тажрибаларини тақлиф қилиб тушунтираемиз. Жойларда эрта турмуш қуриш оқибатида муаммоға дуч келаётганлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш мавзусида семинар, баҳслар ташкил қилляпмиз. Ишимиз гоҳ шифокор, гоҳ ҳуқуқшуносникиға ўхшайди. Лекин икки ҳолатда ҳам инсон бахти учун дахлдор эканлигимизни унутмаймиз.

Нодира ТОХИРОВА,  
Самарқанд вилояти,  
Кўшработ туман  
ФХДЁ бўлими мудир.

Бежизға бозорни мезонга, яъни ҳаёт тарзисига қиёслашмайди. Чунки ҳар бир мамлакат аҳлининг қай даражада тўқ-фаровон яшаётганини кўрсатувчи, белгилаб берувчи кўзгу ҳам аслида бозор ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИ —**  
тўрт фаслда ҳам тўқину обод, сархил  
маҳсулотларға бойдир.

«БЕШ ЁҒОЧ»  
ДЕҲҚОН БОЗОРИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барчангизни янги —  
2010 йил билан самимий  
табриклайди!



# МАКТАБГА КУЁВ КЕЛДИ!

## ёки олаҳуржун огирлик қилаётган ёшлар ҳақида

Курсдош дугонамининг бувиси яқинда тўқсон бешни қоралади. Табаррук ёш билан кутлаш ва дуо олиш мақсадида бир гуруҳ қизлар момони зиёрат қилгани Самарқандга отландик. Момомиз жуда киришилми экан, ўзларининг айтишларича, ҳозир яшаётган ҳовлига келин бўлиб тушганига саксон йилдан ошибди. Хотираси ҳалиям тиник, гурунги ҳам мароқли. "Янги келин-куёв жудаям ўйинқароқ бўлганмиз. Қайнонамнинг кўзини шамалат қилиб, кўчага отилардик. Биз ўйнамаган ўйин қолмаган. Бир гал кўшунимизнинг боғига ўғирликка кириб, қўлга тушиб қолганман".

Момодан гап олиш учун қитмирона саволлар берамиз:

— Жуда эрта турмушга чиққан экансиз-а? Бобомиз неча ёшда эдилар ушанда?

— Мен бир мучални кўргандим, у киши эса мендан уч ёш улуг эди. Ўн беш фарзанд кўрдик. Бештаси турди, қолганини бериб қўйдик... Кўп қийналдим, шунинг учун болаларимни уйлантириш, чиқаришга унча шошилмадим. Ҳозир ҳаммаси уйли-жойли, меҳр-оқибатли. Шошилиб қаерга ҳам борардик? Ҳаммининг бошида бор бу савдо, одамзот оила қуришдан аввал ўйлаши, рўзгорнинг маънисини тушуниши керак...

Момо ҳақида сизда уйғонган ёруғ таасуротларни шу ерда тўхтатамиз. Бу воқеа мавзуга кириш учун бир далил эди, холос.

Никоҳ — муқаддас тушунча. Қадим замонларда ҳам Шарқ мамлакатларида бу масалага жиддий эътибор берилган. Муфаккирларнинг доно ўғитлари дунёга келган, китоблар ёзилган. Аммо аждодларимиз муқаддас санаган бу тушунчани биз авлодлар бирозгина унутиб қўётгандекимиз. Фикримга қўшилмаслигиниз мумкин, бироқ атрофга синчиклаб қараб, нималар бўлаётганига бир эътибор беринг-а: орамингда ўрта махсус маълумотга эга бўлар-бўлмас турмушга чиқарган қизлар, уйланаётган йигитлар ҳам талайгина. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз? Албатта, яхши. Лекин елкасига олаҳуржун ишлинишига рози бўлиб турган йигитларнинг ҳаммаси ҳам рўзгор тебратишга тайёрмикан? Қизлар-чи, турмушнинг муштира бардоши етадимми?

Яқинда бир воқеанинг бевосита гувоҳи бўлдим. Тўй кўни белгиланган бир пайтда икки қўда «олди-берди»лари қайтарилди. Сабаб: келин бўлмишга куёв томондан юмшоқ ўйинқоқ совға қилинган экан (қаранг, ҳади этилган нарсалар ҳам

болаликка хос). Ўйинқоқ қизга ёқмагану ора очик бўлган. Ана шунақа гаплар. Ота-она ҳам

зўрга турган эканми, ҳарқалай малика-кизалоқларининг илтимосини рад эта олмаган. Ўзимча ўйладим: пойдевор учун жой яхши танланмаган экан, бироқ, иморат тиклашга ҳожат йўқ. Қурилиши мумкин бўлган оила бир ўйинқоқ баҳонасида бузилди, унинг эртами кечми, барибир бузилиш эҳтимоли катта экан. Чунки эртага ёғадиган ёмғир у селлар, келадиган шамоллар бир дақиқада бу бино-



ни (оилани) вайронага айлантириб юборишига шубҳа йўқ.

Бундан тўрт-беш йил олдин «Мари-фат» газетасида «Мақтабдан қочган келинлар» деган умумий сарлавҳа остида бир тахлилий мақола чоп этилган. Унда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги бир қишлоқда қиз олиб қочиш одати борлиги, кўзга кўриниб қолган қизларни мактабда ўқишига қарамасдан олиб қочишлини ва бундан кейин томонларнинг ота-оналари мажбуран тўй қилиб беришлари ҳақида ёзилган. Мазкур мақола анча баҳс-мунозаралар уйғотган бўлса-да, келин бўлмиш қизнинг мактабда ўқиши... кўпчилик учун унчалик шов-шувли янгилик бўлмаган. Чунки қиз боланинг мактабни битириши, хунар эгаллаши муҳим эмас, дегувчилар ҳали ҳам орамингда топилди. Бу масаланинг бир томони. Аммо...

...Бир йигитни унаштиришди. Ҳайратдан ёқа ушладик: куёв бола ҳали мактабда ўқирди. Тўй кечасини тасаввур қила-

### МУЛОҲАЗА

веринг, келин-куёв мактаб ўқувчилари қуршовида тўйхонага кириб келса-я?

Йўқ, ҳартугул йигитнинг мактабни битиришини кутишди. Коллеж таълимига эга бўлмади, бирор хунарнинг этагини тутмади. Шошилиш уйланишига онасининг касаллиги сабаб бўлганмиш. Ҳали ўзини тиклаб олиш ҳақида ўйлаб кўрмаган «эркак» энди иккита бошининг ғамини ёйди.

Гап мана шу каби масалаларнинг ечимига келганда, турли баҳоналар рўқач қилинади: бобоси оғирлашиб қолганмиш, бувиси «неварамнинг тўйини кўриб қолай» деяётган экан, биттагина ўғил, онасига ёрдамчи керак, отаси билагида кучи борида уйлантириб қўйса, эртага қийналишмайди. Амакиси, аммаси, тоғаси, холаси, унғ тарафдаги қўшни, чап тарафдагилар... эҳ-ҳе. Рўйхатдан жой эгаллаган «маслаҳатчилар», «йўл кўрсатувчилар», «фидойилар», «жавасманд»ларнинг иштиёқлари фақат тўй ўтгунича. Кейинчи? Кейин эса улар бу янги оиланинг турли-туман нағма-қилиқларини қузатувчи томошабинларга айланишади.

Тўйгача эса уларнинг бирортаси қурилатган оиланинг эртанги аҳволи билан заррача қизиқмайди. Кези келганда, биргина ўзининг қорнини тўйдиролмаган ёшлар бир оилани қандай эглайди? Ҳатто (бизни кечирсинлар) ўша кексалар ёки касаллар ва ёхуд турли эзгу мақсадни кўзлаганлар ҳам ўзларининг ҳою-ҳаваслари эвазига дилбандларни қандай ўтга ташлаётганларини тасаввур қилишармикан? Бизда оила қуришга қачонгача икки кишининг тенгликдаги, ўзаро келишган иттифоқи эмас, катталарнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи восита сифатида қаралади?

Биз келин танлашга ёки келатган совчиларга розилик беришга шошилатган катталар ёшларнинг хунар эгаллаши ёки таълим олиб, келажакни белгилашга имкон беришлари тарафдоримиз. Ёшларнинг ўзи ҳам бизга қарши бўлмасалар керак.

Зеро, самарқандлик кўпни кўрган момонинг гапи тўғри: одамзот оила қуришдан аввал унинг моҳиятини англаши, тушуниши керак...

Башорат ОТАЖОНОВА

Бола тарбияси гоят нозик, мураккаб масала бўлиб, у ота-онадан катта маҳорат талаб этади. Ота-она, буважону бувижонлар барча ишда бир ёқадан бош чиқариб иш тутсалар, кўнглисиз ҳолатларнинг олди олинади. Кўпинча боланинг онаси ёки бувиси рухсат берган нарсани отаси тақиблаб қўяди ёки отаси берган жазони онаси бекор қилади. Боланинг бир қилиғини бувиси мақтаса, айнан шу қилиғи учун отаси уни қойийди ва ҳоказо. Бундай келишмовчилик бола тарбиясини бузади. У энди талабчан отасидан узоқлашиб, унинг ёнини

## ҚУШДАН ФАРҚИМИЗ БОР

оладиган онаси ёки бувисининг кўнглига йўл топшига одатланади. Катталарнинг ҳаракатларидаги ўзгарувчанликни кўриб, муғамбирлик, алдамчилик, ҳушомадгўйликка ўрганади.

...Манзура опа беш яшар набираси Камолага овқатдан олдин қўлларини ювиб келишини тайинлади. Орадан бироз вақт ўтса-да, қизчанинг ҳамон қўлини ювмай юрганини кўрган ота:

— Қўлингни ювдингми, қизим? — деб сўради.

— Йўқ, дада.

— Бувинг сенга нима деганди?

— ...

Шунда Камола индамай, бошини қуйиб эгди. Дадаси эса уришмасдан:

— Қани, тезгина бор-да, қулоқсизлик қилганинг учун аввало бувингдан узр сўра, сўнгра қўлларингни яшиглаб ювиб, менинг олдимга кел! — деди

Отанинг бу сўзлари оҳиста айтилган бўлса-да, тарбиявий таъсири кучли бўлди.

Бувилар ҳам ўрни келганда ўғли ва келинининг гапини маъқуллашга тиришади. Уйин билан чалғиб, отанинг гапини унутган набирасига дақиқ беради, отаси рухсат қилмаган жойга боргани учун қойийди. Бола яхши ишлар қилганида мактаб қўйиш, ёмон қилиқлари учун уни қойиш жуда ўринлидир.

Ойша ТўРАЕВА,  
профессор.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

### «ZENN-SHANS»

#### ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юртига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: **кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсхона муаллифлари олиб борадилар.**

Марказ дарсларнинг юқори даражаси сифатига қафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс жадалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

**Машғулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 каватли бинонинг 1-кавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80. **ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Фаллаворол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.



**Ҳурматли адажонимиз Жамолдин ака!**

50 ёшингиз билан табриклаймиз. Умрингиз чинордек узун, булоқ сувидек тиниқ бўлсин. Фарзандлар камолини кўринг. Шириндан-шакар набиралар насиб этсин.

қизингиз Феруза

**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилиб келатган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



**Ойлик маошлар қуйидагича:**  
Ҳайдовчилар учун **550 000 дан юқори.**  
Чиптачилар учун эса **220 000 дан юқори.**

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин:**  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркўтск) 20-уй.  
**Мўлжал:** Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

**Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

# КИМ МЕХРГА, КИМ ТИРНОҚҚА ЗОР?


• «Чорасизлик нелигини биласизми? Сиз бундай аҳволга тушмангиз-да, менинг ҳолатим сизга бегона. Лекин опагон, тушунинг, болаларимни кўярга жой йўқ. Уларни олиб қолинг!»

• «Турмуш ўртоғим мени уйдан ҳайдаб юборди. Ўзимга кўшиб болаларини ҳам. Кўлимда ҳужжат йўқ, ундан ҳеч нарса талаб қилолмайман. Ахир расман никоҳдан ўтмаганимиз-да. Аслида севишиб турмуш қургандик. Ота-онам бу никоҳга аввалдан қарши эдилар. Энди бўлса кўчада қолдим...»

• «Қаерга боришни билмайман. Кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Эрим бошқасига ўйланиб олди. Боласини боқишни ўйламайди ҳам. Расман никоҳдан ўтмаганимиз. Майли, боламдан воз кечаман, фақат уни қаровсиз қолдирмасангиз бўлди...»

Самарқанд шаҳридаги махсус болалар уйига, ана шундай муносабатлар билан келаётган оналар минг афсуски, учраб туради. Одатда, инсон қаттиқ асабийлашган, чорасиз қолган пайтлари бор имкониятларини ҳам кўролмайд қолади. Ва шу пайтда билиб-билмай катта хатоликларга йўл кўяр экан. Аммо юқорида шикоятлари келтирилган айрим оналарнинг аксарияти чорасиз қолмаган пайтлари ҳам ўзларига зид иш тутганлар. Яъни турмуш қураётган пайти расман никоҳдан ўтиш ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришмаган. Оқибатда кўпчилигимиз ўйлаб кўрмаган, яъни юқорида изоҳлари келтирилган воқеалар билан тугаётган ҳоллар ҳам учрамоқда.

— «Фарзандларимдан воз кечаман», деган сўзни айтиш онага осон кечмайди, — дейди Самарқанддаги махсус болалар уйи бош шифокори Махсуда СОХИБОВА. — Бундай оилада уларга



тушунтирмаган, «майли болангизни олиб қоламиз, фақат улардан воз кечишингиз шарт эмас, ҳужжатларни тўғрилаб келиш керак, холос», дейман. Аммо бундайларнинг аксариятида на тайинли хунар бор,

на бирон жойда ишлаш имконини берадиган маълумот.

Болалар учун ажратилган хоналарга кирарканмиз, у ерда 2-3 ёшли болакайларнинг бири кўйиб, бирови тарбиячига талпинаётганининг гувоҳи бўлдик. Мутахассислар болалар, айникча, туғилганидан 3-4

ёшгача бўлган даврда кўпроқ оналар, яъни уларга энг кўп меҳр берадиган инсонлар билан бўлишни истагани таъкидлашади. Бу табиий жараён.

— Бу уч ёшгача соғлом болалар тарбияланадиган гуруҳ, — сўхбатни давом эттиради Махсуда опа. — Аммо масканимизда тарбияланаётган болаларнинг 53 нафари ногирон. Уларга 7 ёшгача қараймиз. Афсуски, улар ҳам кимларнингдир хатоси ёки тақдир тақозоси билан шундай ҳолга тушганлар.

Кўпинча оналар ногирон боласига қарай олмай қолган ҳолатдагина уларни бу масканга ташлаб кетишга мажбур бўлишади. Болаларнинг бундай аҳволга тушиб қолишига сабаблар кўп: қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ, оналарнинг ҳомиладорлик пайтида соғлимига эътиборсизлиги, турли инфекциялар... Умуман, аксарият оналар

ҳомилдор пайтларида эътиборсизлик қилишади. Бунинг оқибатлари эса кейинроқ маълум бўлади. Масалан, ҳомиласи уч ойликкача кечган даврда она грипп ёки шу каби вирусли касалликларга чалиниб, уни оёқда ўтказиб юборса, шунинг ўзиёқ боланинг ногирон бўлиб туғилишига олиб келади.

Албатта, бундай болаларга алоҳида қаров ва эътибор талаб этилади. Масканимизда 26 нафар ҳамшира-тарбиячи, 20 нафар ҳамшира, 6 нафар тарбиячи, шунингдек, малакали шифокорлар хизмат қилишади. Тарбияланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун махсус, соғломлаштириш хоналари ишлаб турибди.

Бу масканда ишлаётганларнинг инсонийлик фазилатлари, қолаверса, ўз оиласидаги ўрни, хурмати алоҳида эътиборга олинар экан.

Опа билан сўхбатлашиб чиқарканмиз, бир аёлнинг сўзлари қўлимизга чалиниб қолди:

— Опагон, тирноққа зорман, қандай бўлмасин, битта гўдак асраб олишимга ёрдам беринг...

Эътибор бераёйсизми, азиз замондорим! Бу ерда фарзандидан воз кечаётганлару, шу билан бирга бегуноҳ гўдакнинг биттагина самимий кулгусига зор оналарни ҳам кўрасиз. Қизиқ, улар бири-бирига тўқнаш келса, қандай ҳолатга тушаркинлар?... Балки дилбандидан воз кечмоққа тайёр аёл шаштидан қайтар.

Қанийди...  
Гулруҳ МҲМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## ✓ СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

### ФАРЗАНД КУТАЯПСИЗ...

Ҳомиладорлик мураккаб физиологик жараён ҳисобланади. Бу даврда аёл организмиде ўзгаришлар содир бўлади. Ҳомила ўсиб, катталашган сари юрак-қон томир системасига, жигар, буйрак, ички секреция безлари ва бошқа аъзоларга зуриқиш келади. Организмда қон миқдори ошибгина қолмай, унинг таркиби ҳам ўзгаради. Қизил қон таначалари 20%га кўпаяди. Бордию ҳомиладор аёл маълум гигиена қоидаларига, яъни тўғри овқатланиш, меҳнат ва дам олиш тартибларига риоя қилмаса, турли касалликлар (ҳомиладорлик токсикозлари, кам-қонлик) келиб чиқиши, ҳомила яхши ўсмаслиги, бола тушиши, чала туғиш хавфи келиб чиқиши мумкин. Ҳомиладор аёл шифокор хузурига биринчи маротаба келганидаёқ ҳар тарафлама текширилади. Қандай касалликлар билан оғригани, уй, иш шароитлари, илгариги ҳомиладорлик пайтида кечган ҳолатлар батафсил аниқланади.

Аёл фақат гинекологик кўриқдан эмас, балки бошқа соҳа шифокорлари назоратидан ҳам ўтади. Туғиш аёл соғлиги учун хавфли ёки хавфсиз эканлиги ўз вақтида аниқланади. Организмда бирорта сурункали касаллик бўлиб, ҳомиладорлик ва туғуқ унинг ҳаётига хавф солса, шифокор маслаҳати билан аборт қилдириш тавсия этилади. Касалликлар ўз вақтида аниқланиб, даволанса, ҳомиладорлик нормал кечади ҳамда бола ва она саломатлигига зиён етмайди.

Демак, аёл ҳомиладорликнинг биринчи ярмида (20 ҳафтасигача) ҳар ойда 2 марта, 32 ҳафтадан сўнг ҳар 10 кунда аёллар маслаҳатхонасига бориши керак. Аёلнинг ўзича билар-билмас даволаниши, турли дорилар ичиши, ҳомила организмга, унинг аъзолари ривожланишига таъсир этиши ва боланинг турли нуқсонлар билан туғилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар гал маслаҳатхонага борганда, аёлнинг вазни ўлчанади. Унинг вазни ҳомиланинг ўсиши, қоғонок сувининг кўпайиши, бачадон ва сут безларининг катталаниши, тери ости ёғ тўқимасининг қалинлашиши, қон миқдорининг ошишига олиб келади. Бунинг учун аёллар маслаҳатхонасида махсус машғулотлар ўтказилади. Ҳозирги кунда ҳомиладор аёллар замонавийлаштирилган туғруқхоналарда фарзандини дунёга келтириш имкониятига эга.

Гулнора АБДУЛЛАЕВА,

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилояти филиали директори.

## «ESPERANZA-PEARL»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

сизни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф қилади:

1. «Тиқиш-бичиш» ва «Моделлаштириш» — 3 ой (бошланғич 4 ой).
2. «Замонавий парда ва чойшаблар» — 3 ой (янги услубда).
3. «Астарли костюм-шим ва пальто» — 2 ой.
4. «Бисер» — 2 ой (мунчоқ билан ишлаш).
5. «Сунъий гуллар» — 1 ой (матолардан гул ясаш).
6. «Тўқувчилик» — 3 ой.
7. «Уй ҳамшираси» — 3 ой.
8. «Инглиз тили» — 3 ой (бошланғич 4 ой).
9. «Турк тили» — 3 ой.
10. «Рус тили» — 3 ой (бошланғич 4 ой, абитуриентларни ўқишга тайёрлаш 10 ой).
11. «Математика» — 3 ой (абитуриентларни тайёрлаш 10 ой).
12. «Компьютер» — 2 ой (Loner-XP, Msoffice-XP, Professional, WinWord, Excel, Power Point, Paint)
13. «Интернет» — 1 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни соат 9<sup>00</sup>дан 19<sup>00</sup> гача. Сертификат берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Юнусобод даҳаси, 3-мавзе, 23-уй, 56-хона.

Тел.: 221-80-74, 709-29-13

Мўлжал: «Юнусобод» деҳқон бозори, «Зиёда» кафеси ёнида.

## Табиб Отабек МИРЮНУСОВ

беморларни кафтидаги биоқувват ҳамда сувни қувватлантириш орқали самарали даволайди

### МУОЛАЖАЛАРДА:

- Жигар хасталиклари: гепатит «С», гепатит «Б», циррознинг бошланиши яхши даволанади;
  - Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қора талок касалликлари;
  - Буйрак, жинсий аъзолар шамоллаши: буйрак ва тухумдон кисталари, простата бези шамоллаши яхши тuzалади;
  - Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар кетади;
  - Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингади хасталиклар;
  - Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари яхши даволанади;
  - Бўй ўстириш;
  - Бўқоқ касаллигининг ҳар қандай тури самарали даволанади;
- Отабек Мирюнусовнинг «Халқ табobati маркази» Ўзбекистон халқ табobati академияси томонидан берилган №40-гувоҳнома асосида фаолият олиб боради.

Табиблар реестрида 1992 рақам билан қайд этилган.

Беморлар ҳар куни соат 9.00 дан 12.00 гача қабул қилинади.

Қабул кунлари душанбадан шанбагача.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99897) 750-92-57, (+99894) 607-67-36

### ТАБРИКЛАЙМИЗ! ТАБРИКЛАЙМИЗ! ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Мехрибон ва муҳтарама онажонимиз Тўтигул ХОЛБОЕВА!

Муборак 60 йиллик юбилейингиз билан кутлаймиз. Сизга сихат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг. Оила аъзоларингиз, қариндошларингиз, невараларингиз номидан

куёвингиз Бекпўлат Ибрагимов

Севимли набирамиз Кундузой ва келинимиз Муҳаддасхон! 23, 26-декабрь таваллуд кунларингиз билан чин дилдан табриклиман. Янги йилда янги бахт ва омад сизларни тарқ этмасин. Ўғлимнинг ва невараларининг бахтига соғ-омон бўлинг.

Қайнотангиз Сотиволди.

# ОТА ОЁФИГА БОШ УРМАГАН КЕЛИН

Кишлоқда яшайдиган холамизнинг ўғли қиз чиқараётган экан. Ўзи уйимизга телефон қилиб, "онам, опамдан қолган ёлғиз ёдгорим шу, бирор кун олдинроқ йўлга чиқсин" деб қайта-қайта тайинлагач, бормасам, бир умр маломатдан бошим чиқмаслигини билиб, сахарда йўлга чиқдим. Аксига олиб, киракаш ҳайдовчиман ношуд, хасис эканми, бошқа мижозлар излай-излай мен билан кетишга яна икки кишини зўрга кўндирди. Шу зайл тўрт соатлик йўлни роппа роса олти соатда босиб, кун пешиндан оққанда тўйхонага кириб бордим.

Кўлимда бир саваат гул ва яна каттакон гилам кўтариб олганман. Ўзимча йўл-йўлакай хаёл суриб кетдим: дарвозадан киришим биланок бўлам (шевада, холаваччам) қучоқ очиб югуриб келади. Ҳамманинг олдида мактангиси келиб, хотини, болаларини ёнига чақиради ва ўзича севиниб: "Қаранглар, Тошкентдай жойдан етиб келди-я, қойил сенга!" дейди. Ҳовли бурчагидаги уйдан эса саксонни қоралаб қолган холам мен томон талпинади: "Айтмовдимми сенга, барибир етиб келади, деб. Жондай азиз жиянимдан ўзим ўргилай, опаюним кўрмади-я шу кунларни!"...

Аммо остона ҳатлашим билан бақирчақир овозлар эшитилди: "Йўқол, кет, тўйни бузасан...", "Ҳе, онангни...", "Куй яна, ўлиб қолмайсан", "Кувёлар келяпти, ким қарайди"... На тўйхонага кириш, на ортга қайтишни биламан. Шу пайт кимдир мени таниб қолди, шекилли, ичкарига қараб югуриб кетди. Ва ниҳоят, тўй эгаси — холамнинг ўғли кўринди. Уни икитаси қўлтиқлаб олган, гирт маст эди.

Зўрга оёқда турар, тилиям аранг айланарди: "Кимсан ўзи? А, холамнинг ўғли, э, э... Қани ароқдан куй бунгаям, ичасан бугун". У ёқ, бу ёққа аланглайман, йигирма чоғли одамнинг бирортаси ўзини билмайди. Бирини супа устида, бошқаси қозон ёнида юмалаб ётибди, бировнинг ким келди, ким кетди билан иши йўқ.



Мениям судраб дастурхон ёнига олиб боришди. Ҳали униси, ҳали буниси оғзимдан куйгудек бўлиб, ичимлик тутқазарди. Охири чидолмадим, бировига "илтимос, мен ичмайман, холамни чақириб келинг, кетмоқчиман" дедим жahl аралаш. Бироздан кейин уч-тўрт аёл кўринди. Холам бечора мени кўрдию сўрашиш ҳам эсидан чиқиб, йиғлаб юборди-да, ёзғира кетди: "Манавининг ахволини қара болам, нима қилай, эликдан ошди, ҳеч ақл қирмади бунга. Худонинг зорини қилдим, қиз тўйгаям яшиқлаб ароқ кўядими одам? Ичкилик-

## ✓ НИМА ДЕЙСИЗ?

нинг уйи куйсин. Бир ҳовли тўла маст одамни кўриб, қудағайлар ҳам кўриб кетишди, энди қиролмай кўчада ўтиришибди. Аёлларини-ку бир илож қилиб жойлаштирдик, эрақларининг олдига чиқадиган соғ одам йўқ. Бегонамассан, ўзинг чиқиб, бош бўлгин, ярим соатда келинни опкетишади".

Хуллас, узокдан келган қудалар ва кувёжураларни чеккадаги уйга бошлаб кирдим. Тўкин дастурхон устида меҳмонлар билан яқиндан танишиб, ўзимча мезбонларнинг "ортиқча қилиқ"лари учун узр сўраб ўтирсам...очик турган деразадан аввал кимнингдир оёқлари, кейин эса боши кўринди ва ўртага — дастурхон устига юзтубан бўлиб йиқилди. Ҳаммамиз сакраб ўрни-миздан туриб, ташқарига отилдик. Кўпни кўрган бир кексароқ киши "майли, тўйчилик, узрли, қани, шом тушмай иссиғида келинни обкетайлик" дея юзига фотиҳа тортди...

Кўп ўтмай, кўшни ҳовли тарафдан мусика садолари янграб, ёр-ёрлар эшитилди. Дугоналари қуршовадаги келин халқимизнинг азали одатларига кўра, айрим расм-русумлар адо этилганидан сўнг ўз қадрдон гўшаси билан хайрлашаётганини билдириб, отасининг оёғига бош уриши керак эди. Қий-чув, бақир-чақир, поёндоз талашилар тинмасди. Шу пайт уч-тўрт киши менинг холаваччамни ҳам етаклаб олиб келишди ва бир дунё умид билан турмушга узатилаётган фарзандига оқ фотиҳа беришини сўрашди. Ота бўлмиш ёнидагилар кўмағида кўзи бир очилиб, бир юмук ҳолатда нималардир деб гудурлаб, наридан бери юзига гўёки фотиҳа тортди. Келинчак эса ўз отасининг бундай аянчли ва кулгули(аслида, даҳшатли) ахволини кўриб, хўнграб йиғлаб юборди...

Умрзоқ ҚОДИРОВ



**ЙЎҚЛА** — Шавкат Раҳматуллаев изоҳига кўра, бу сўз қадимги тилимизда «мавжуд эмас» маъносини англатувчи «йўқ» сўзидан келиб чиқиб, «ўлган кишини хотирлаш» мазмунини билдирган. Қарангки, кейинги даврларда бу сўзнинг маъноси кенгайган. Чунки у тирик одамга нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, «Мени бирор марта ҳам йўқлаб келмади». Шу билан бирга бу сўзнинг ўлган одамга нисбатан қўлланилиши ҳам тўлиқ сақланиб қолган. Масалан, «У отасини йўқлаб-йўқлаб йиғлади». Қизиги шундаки, бу сўзни биз тирик одамга нисбатан ишлаётганимизда, унинг туб маъноси ўлган киши билан боғланишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Чунки «йўқла» сўзининг тилимизда иккинчи маъноси пайдо бўлиб, шаклланиб бўлган.

**МАОШ** — Бу сўзнинг илдизи «яшади», «турмуш кечирди» деган маънони билдириб, кейинчалик «турмуш учун зарур нарсалар», «иш ҳақи», «нафақа» маъноларини англата бошлаган. Дарҳақиқат, турмуш кечириш учун маош энг зарур асос бўлади.

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади

*Азалий анъана таомили шу: ҳар гал ўтаётган йил сарҳисоб қилинаркан, эришилган катта-кичик муваффақиятлар таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилади. Албатта, бизнинг*

## «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА- ЯРМАРКА РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*ҳам янги — 2010 йилни ёруғ юз билан кутиб олаётганини мамнуният билан таъкидлайди. Чунки 2009 йил бизнинг марказимиз учун жуда хайрли келди. Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз ҳамда барча ҳамкорларимизни «Баркамол авлод йили» муносабати билан чин юракдан табриклаймиз!*

Янги йил ҳаммамнинг байрами, катта ҳам, кичик ҳам бу кунни, хаяжонли лаҳзаларни орзиқиб кутади.

31 декабрь соат 12.00...

Шўкин дастурхон устида биз ҳам сизнинг унутилмас ва қувонгли дақиқаларда кайфиятингизни тоғ этаётганимиздан мамнумимиз!

Баргангизни кириб келаётган 2010 йил билан самимий табриклаймиз!

Байрам шуқухи қўнлигингизни ҳеҳ қалон парк этмасин!



ЭҲТИРОМ БИЛАН

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ”**

ТОШКЕНТ ШАМПАН ШАРОБЛАРИ КОРХОНАСИ



Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган

**“ҚОРА МУСТАНГ”**

хусусий фирмаси

барча юртдошларимизни кириб келаётган қутлуғ Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилаётган кенг имкониятлардан 2010 йилда ҳам самарали фойдаланиб, халқимизга беминнат хизмат қилишни ўз вазифамиз деб биламиз.



◀ ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН! ▶

Кексаларнинг кўзларига эътибор берганмисиз? Уларда ҳаётдан қониқиб, хотиржамлик ва ўзгача бир меҳр бор. Бу нигоҳларда гўёки «Мен ҳамма нарса билан, кўп нарсаларга жавоб бера оламан», деган яширин бир маънони ўқиб олиш қийин эмас. Ҳа, улар ҳозиргина синовдан ўтган талабадай, анча босиқ, ва хотиржам бўлиб қолишади. Бу дунё яралибдики, баҳор баҳорлигича қолди, севги-муҳаббат ўзгармади, моҳият ўзгармади.

Кўхна ҳинд фалсафасида «карма, сабаб-оқибат» деган тушунча мавжуд. Ҳинд донишмандларининг талқин этишларича, ҳар ким нимаики қилса, ўзига қайтади. Улар кўпинча куйидаги ҳолатни мисол келтиришади: Агар мен кимнингдир юзига шапалоқ туширсам, бир кун келиб бошқа биров худди шу тарзда менинг таъзимни беради. Яъни қайтар дунё — биз одамларга яхшилик қиламизми, ёмонликми, бир кун келиб ҳаммаси ўзи-

Афсуски, унинг фарзандлари ҳам ўзидан тинмади. Ўша одам уйланиб, икки болали бўлгач, Тошкентга ўқишга келади. Катта шаҳарда у ота-онаси эрта вафот этиб, ҳоласининг қўлида катта бўлган ёшгина қизни яхши кўриб қолади ва «хотиним билан ажрашганман», деб алдайди. Аммо қизнинг қариндошлари «ўн гулидан бир гули очилмаган 19 яшар қизни, ўттиздан ошган, боз устига оила си билан ажрашмаган эркакка узатмаймиз», деб туриб олишади. Орадан биров вақт ўтади. Эркак эса гўёки муҳаббати чинлигини исботлаш учун оиласидан ажрашиб, тўйга тайёргарлик кўра бошлайди.

Синов — эркак ўзи аёли бўла туриб, ўн гулидан бир гули очилмаган маъсума қизни севиб қолган онлардан бошланган эди. У ўша дамда ўткинчи ҳою ҳавасга берилиб, икки нафар фарзандини ҳам унутди. Тўғри, муҳаббат шохни гадо, гадо ни шох даражасига кўтара оладиган

Нигина НИЁЗ



мизга қайтади. Шундай бўлса-да, аксарият кишилар бунга ишонмайди ва қабих ишларга қўл ураверади, алдайди, фарзандларини ҳаром лўқма билан боқаверади. Лекин дунё ҳар кимни феъл-ҳуйи, қалби, ахлоқи, эътиқоди даражасида синайди. Аммо биз бунга ҳақиқат ўз вақтида тўғри англа олмаймиз ва кейин пушаймон қиламиз.

Қайтар дунё фақат айрим кимсаларни кўрқитиб қўйиш учун ўйлаб топилган ибора эмас. Дунёда «бумеранг» деган нарса бор. Уни қандай куч билан улоқтирсангиз, у худди ўша тезликда ўзингиз томон қайтиб келади. «Карма оқибат»ларини ҳам худди шу йўсинда тушунириши мумкин. Тарихни эслайлик:

...Падаркуш Абдулатиф отаси Улугбекнинг бошисини олишга фармон берганини ҳамма билади. Аммо орадан олти ой ўтиб, ўзининг ҳам қалласини олиб, сарой дарвозаси устунига қоқиб қўядилар. Қарангки, бу ланнати ўз отасидан ҳам даҳшатлироқ ўлим топди. Ёки бошқа бир мисол: улуг адиб Лев Толстойнинг авлодларидан бири Николаи Толстой ашаддий жиноятчи эди. Умри мобайнида 9 кишини ўлдирган бу одам 10 нафар фарзанд кўради. Уларнинг тўққизтаси ўлиб, фақат биттаси омон қолади. Назаримда «карма қонуни» шу ўринда математик аниқлик билан ишлаганга ўхшайди ва ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Ёшлик — бебошлик, деймиз. Чиндан ҳам навқиронлик даврида инсон табиатга жиндай эркаклик ҳам қилади. Дунё фақат унинг учун яралгандай, Оллоҳ барча хатоларини, гуноҳларини кечирадигандай туюлади. У ўша хатолар эрта бир кун келиб уни умрининг охиригача таъқиб этишини билса эди?... Аслида бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз хоҳ у жиддий, хоҳ ножиддий бўлсин, бирон оқибатни келтириб чиқаради ва ҳар қандай хатти-ҳаракатимиз САҲҲИСОБ қилинади. Агар ҳаётингизни бир бошдан таҳлил қилиб чиқсангиз, **кўринмас бир ҳакам** умрингизнинг ҳар дақиқасини «қузатиб» келатганига ишонч ҳосил қиласиз.

Бир оилани танийман. Ота бўлмиш жуда жахлдор, ичкиликка ружу қўйган.

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

кўзда ёш билан ота уйига қайтишга мажбур бўлди. Оилада фақат учинчи қизгина иккита фарзанди билан эрининг уйида тинч-тотув яшайпти.

Мана сизга сабаб ва оқибат қонунига бир мисол. Ёшлик чоғида жуфти ҳалоли бўла туриб, бир навниҳолга кўз солган дам оғир синов бошланганини у билмаган. Дунёнинг тузилиши сабаб ва оқибат сингари қонуниятлари борлигидан беҳабар бўлгани учун ҳам, жаҳолат оқибатида у хато қилди. Гуноҳини саваб ишлар билан ювишга, аритишга уринмаган. Оқибатда гуноҳлари беғуноҳларга урди...

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қиз узатаётганда ёки ўғил уйлантираётганда етти пуштигача сўраб-суриштиринглар, дейишади. Чунки нафақат касалликлар, яхши-ёмон одатлар, истезод қирралари, балки инсон қилган гуноҳлар, хатоликлар ҳам келгуси авлодга бир юк бўлиб ўтади. Агар биз бу гуноҳлар гирдобидан қутула олмасак, уни авлодларимиз ҳам қилишига, бизнинг гуноҳларимиз учун улар жавоб беришига тўғри келади. Дунё бизни шундай синайди. Аммо ўша пайтда биз синов бошланганини пайкамай ҳам қолишимиз мумкин.

...Кўшнимизникида бир бева аёл яшарди. Ота-она вафотидан кейин она бўлмиш ўз сингисини уйига олиб келди. Опанинг ёши 75да бўлса, сингил 73 ёшга чиққан, боз устига ногирон эди. У пешоб тутолмас, баъзида нотўғри овқатлангани боис келинларга ташвиш орттирар ва уларнинг бундан фиғони фалакка ўрларди. Хуллас, оила аъзолари «ҳоланинг қилиқларига узоқ чидашолмади. Айниқса, уй бекасининг эри «синглини йўқотасан!» деб туриб олди.

— Ўзи шундоқ ҳам юрагим касал. Буни кўрсам қанд касалим зўраяпти! — деди у.

— Ойи, келинларни ҳам ўйланг! — деди катта ўғил. — Энди, ҳоламни деб ҳамма касал бўлиши керакми?! Келиннингиздан ҳар кун дийдӣб эшитавериб, чарчадим. «Ҳа, энди чида, хаста одам. Нима қилаётганини тушунамайди», десам: — Холангиз умуман касал эмас, у атайлаб қилади, — дейди.

Бу жанжалга кичик ука ҳам қўшилди. Хуллас, у бўлди-бу бўлди, аёлни қариялар уйига олиб бориб ташладилар. Опа бўлмиш сингисига ачиниб, юм-юм йиғлаганича қолаверди...

Энди воқеанинг давомини эшитинг: Орадан икки-уч кун ҳам ўтмай почтанинг соппа-соғ юрган укаси оламдан ўтди. Бироз вақт ўтгач эса бу воқеага мутлақо алоқаси бўлмаган тарзда уни раҳбарлик лавозимидан олиб ташлашди ва нафақага чиқариб юборишди. Катта ўғилнинг ҳам аввалги ишхонадагилар билан муросаси келишмай, бошқа даромади камроқ ишга ўтказишди. Кутилмаган бу воқеалар силсиласи кўз очиб юмгунча хола қариялар уйига кетганидан сўнг юз берди. Уйлайманки, буларнинг ҳали давоми бўлиши табиий. Фожеалар бу билан тугамайди...

Қарангки, Тангри таоло ана шу мискин, атрофдагиларга бир чақалик фойдаси тегмайдиган бандасига ҳам меҳрибон экан. Уни хивзи-ҳимоясига олиб, жамият ишида фаол иштирок этаётган, ўғил-қиз тарбиялаб, уларни вояга етказган кишиларни жазолади. Бундай олиб қаралганда, ўша руҳи хаста, ўзини ҳам эплотмайдиган аёлнинг ҳаётда қандай вазифаси бўлиши мумкин? У кимга, нима учун керак? Нега Оллоҳ уни ўз панохига олди, унга ризқ-насиба берди? Ҳақиқатан ҳам нега? Балки бундай инсонлар бизни синаш учун дунёга келар... Эътибор қилинган-да, шу аёл орқали қанча одам синовдан ўтгати?! Почча, ўнинг фарзандлари, келинлар, уларнинг ота-онаси, қариндошлар, ишхонадагилар...

Аёл битта, унинг атрофидаги иштирокчилар эса қанча?! Демак, жамиятга бир чақалик фойдаси тегмайдиган шу аёлнинг ҳам ҳаётда ўз вазифаси бор экан. У бизларга «сабоқ» бўлмоғи учун юборилмаганимикин?



Гиннеснинг рекордлар китобига номлари зикр этилиши учун одамлар ўзларини не кўйларга солишмайди-я? Уйлаб қоласан киши, агар шу китоб бўлмаганида бизлар вақтимизни кўпроқ фойдала ишларга сарфлармидик.

Куйидаги рекорд турларига эътибор беринг-а...

ҚОШИҚЛАР МУВОЗАНАТИ

Тўққиз ёшли англиялик мана бу бола кайнинг исми-шарифи Жой — Алисон бўлиб, биоэнергия ёрдамида юзига ошхона буюмларини ёпиштира олади. Бир неча дақиқа мобайнида унинг пешонасида 5 та, юзларида 4 та, устки лаби ва иягида 2 тадан ҳамда икки қулғида биттадан қошиқ мувозанат сақлаб турди. Бу қойилмақом кўрсаткич 2008 йилнинг 1 апрелида рўйхатга олинган эди. Унинг бу намойиши келиб-келиб шу санга ҳам тўғри келадими? Чунки 1 апрель ҳазил куни бўлганлиги учун ўшанда кўпчилик бу натижага ишонмаган эди.

БИР ЖОМАДОН ҚИЗ

Америкалик Лесли Титтон эгилиб-букилиб мўъжазгина сафар жомадонига жойлашиб олганига нима дейсиз?... Ҳа, у Лос-Анжелосдаги рекордлар кўргазмасида ана шундай ўзига хос томоша кўрсатди. Жомадоннинг катталиги болаларнинг мактаб сумкасини озгина фарқ қилади. Ундан ҳам қизиги, жомадон тўлик ёпилганда сўнг Лесли 7,04 сония давомида чакмоқсифат ёпқичли бу жомадондан чиқиб кетишни ҳам қойилмақом қилиб уддалади.

ВЕЛОСИПЕДА СКРИПКА ЧАЛГАНМИСИ?

Кристан Адам Германиянинг Любек шаҳрида яшайди. У барча болакайлар қатори тўрт ёшида велосипед ҳайдашни ўрганган. Скрипка чалишга эса мактабга боргач, кизикиб қолди ва тўғраққа қатнай бошлади. Шундан кейин унинг миясига «бу икки машғулотни бирлаштирсам-чи», деган фикр келиб



қолди. Тинимсиз машқлар самараси шу даражага етдики, Кристан велосипедга тескари миниб, бир вақтининг ўзида скрипка ҳам чалиб юра оларди. Унинг тескари ўтириб велосипед бошқаришдаги энг юқори тезлиги 5 соатда 5 километрни ташкил қилган. Ва у бу вақт мобайнида тинимсиз скрипка чалиб борган. Қизикувчи одамлар унга шу ҳолатда баян ёки ҳатто пианино чалишни ҳам таклиф қилишган. Унинг бу галати таклифларни қандай қабул қилгани номаълум.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади

# «МУЛЬТИ МУҲАББАТ» САВДОСИ(!)

Бир кун болаларим билан мультфильм томоша қилиб қолдим. Унда икки йигит бир қизнинг муҳаббатини қозониши учун хўп уринишди. Биттаси ҳалол кучи билан говларни енгса, иккинчиси айёрлик қилиб қилиб қолди. Ҳатто айёр йигит пайт пойлаб, қизга ўз ишқини изҳор этди ва уни... ўпа кетди(!)

— Ол, бошқасига! Буёққа бер, пулти! — асабийлашганимдан болаларга бақиритган тусдим.

— Энг зўр жойида, ўчириб қўйдик! — опасига шипшиди ўғлим.

Ўғлим бу гапи учун мендан яхшигина танбех эшитди. Камига болаларга бундан кейин мендан сўроқсиз телевизор кўрсаткичларини тайинладим ҳам...

Аммо бу ҳолат мени жиддий уйлантириб қўйди. Тўғри-да, ҳали балоғатга етмаган ўғил-қизларимизни ахлоқсизликда айблаймиз. Лекин бу ҳолнинг илдизи юқоридаги каби ишқ-муҳаббат гоёси илгари сурилган мультфильмларда эмасмикан? Уларда янграётган «Сен менинг ҳаётимсан», «Сен менинг боримсан», «Юрагимдаги туйғулار билан ҳисоблашмайсан» қабилдаги жумлалар болаларимизга нима бераётган ўзи?

Ахир шундайга ҳам дафтарлар муқовасидаги турли «Барби»ларнинг

суратларига аранг тоқат қилаётгандик. Бу ҳақда қайта-қайта матбуот орқали бонг урилса-да, шундай маҳсулот ишлаб чиқараётган фирмаларга ҳеч ким эътироз билдирилмади ёки улар бу танқидларга пинагини ҳам бузишмади.

Шахсан ўзим 8-9 яшар бир боланинг қадди-қомати «келишган», кўкракларини ярим очик ҳолатдаги хоҳиш-қомати «Синдрелла», «Билу», «Опоғойим»ларнинг суратлари туширилган дафтарлардан қай бирини танлашни билмай турганига гувоҳ бўлганман. Уша болани синаш учун унга чиройли манзара тасвири туширилган дафтарни тавсия этганимда у эса, «Йўқ, менга мана бунақа чиройли қизлар ёқади», деган.

Айтинг, ҳозирдан чиройли қизларга мафтун бўлган бола бугун хаёлини ўқшига, илм олишга жамлай олармикан? Эртага она сути озгидан кетмай туриб, тенгдош қизга бошқача назар ташлашга ошқамасмикан? Ахир миллий эртақларимизда ҳам гўзал, дафтарлар муқовасига чиқаришга арзир-

ли қахрамонлар кўп-ку? Нега уч оғайни ботирлар, Алпомиш, Барчиний ёки Зумрадларнинг одоби, дов-юраклиги, мардлигини болаларимиз ўртасида тарғиб қилолмай-миз?

Бугун юртимиздаги қай бир китоб дўконига кирманг, ўзбек халқ эртақлари, болаларбоп достонларни топиши-гиз мумкин. Аммо негидир уларни сотиб олиб, фарзандларимизга ўқиб беришни хохла-маймиз.

Яқинда болалар даврий нашрларидан бири бўлган газетанинг икки саҳифасида беш-олтита хориз мультфильмларидаги қомати келишган гўзалларнинг суратини беришибди-да, «уларнинг номларини аниқлаб, бизга ёзиб юборинг», дея болаларга мурожаат этишибди. Нега ўзбек халқ эртақларидан суратлар бериб, бу расмнинг қайси эртаққа ишланганини топинг, демакпмиз? Негаки, болаларимиз миллий эртақларимизни деярли билишмайди! Бу эса кечирилмас ҳолатдир.

**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.



## ТЕНГИ ЧИҚСА...

«Умид билан сизларга хат ёзаётган. Кўргулик экан-да, қизим Моҳинисанинг шу аҳволга тушиб қолишига ўзим сабабчидан. Исиги эндигина тушган кун уни поликлиникага эмлатгани олиб чиққанман. Ҳамшира ҳам «йўл юриб келгансиз, бола терлаб кетибди», дея эътиборсизлик қилган. Ноилоҳ... Қизим эсини танидики, икки оёғининг тиззадан пасти нотўғри ривожлангани сабабли қадамни тўғри босолмай, қий-шайиб юради.

Кўшнимиз, кайвони момо кўнглимни кўтариб, «кўп сиқалаверма, худойим бу дунёда ҳар кимнинг тенгини яратиб қўйган, насиб этса бахтини топади», дерди. Бошқа фарзандларимга қараганда шу қизимга меҳрим бўлакча. Ҳаётда ўз ўрнини топсин деб унинг ўқимишли, хунарли бўлиши учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилганман. У ҳуқуқшунос, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кўли гул чевар. Гоҳида менга «онажон, ўрнидан туролмай, кўрпа-тўшақда ётганлар ҳам бор. Шўкр қилайлик, мен элга аралашиб, кўпчилиқнинг қорига яраяман-ку», дейди. Қизимнинг **ёши 30 да.** Тақдирни ўзиникига ўхшаш, ёшига мос, уни бахтли қиладиган инсон учраса, тўйини кўрсам, кўнглим тинчирди.

**Меҳринисо ҳола,**  
Тошкент вилояти.

## ИССИК ЖОННИНГ ИСИТМАСИ БОР

«Бундан роппа-роса 34 йил бурун чекка қишлоққа жисмоний тар-

биядан дарс бериш учун ўқитувчи бўлиб бордим. Ушанда кутубхонада ишлаб юрган ўзи ҳам, исми ҳам гўзал Дилбар деган қизга ошқиб бўлиб қолдим. Қанча тўсиқларни енгиб унга уйландим. Икки қиз, бири ўғил кўрдик. Тақдиримда бор экан, бедаво дардга йўлидик. Бормаган жойим, кўрсатмаган дўхтирим қолмади. У билан 21 йил яшагандим. Мана, шунга ҳам 13 йил бўлди. Болаларимни бошини силадим, аёлим раҳматли васият қилгандай ўли-жойли бўлди. Худога шўкр, ўғлим, келиним, невараларим атрофимда парвона.

**Ёшим 59 да.** Кексайга, ёнинг-да бир маҳрам бўлмаса, қийин экан. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади. Хуллас, сизлардан илтимос, менга муносиб аёл чиқса, хабар берарсизлар.

**Усмон ота,**  
Хоразм вилояти,  
Урганч шаҳри.

## ЖАМИЛАДАН ХАБАР КУТАЯПМИЗ

Тахририятимизга келган икки аёлнинг ёши каттароғи сўз бошлади:

— Жамила билан битта коллежда ишлаймиз. Уни кўярда-қўймай бошлаб келдим. Холамининг хотини ва-фот этган бир ўғли газетангизга ке-

либ, бахтини топиб, тинч-тотув яшайти. Шу аёлга ҳам ёрдам берсангиз...

Жамилага юзланиб, ўзи ҳақида сўрадик.

— **Ёшим 36 да.** Тошкентда яшайман. Умид иккимиз ота-онамизнинг розилиғи билан турмуш қуриб, беш йил яшадик. Ўртамизда фарзанд бўлмагани сабабли ажралиб кетдик.

— **Ўн йилдан сўнг ҳам фарзандли бўлганлар бор-ку!**

— Уларни ҳам тўғри тушуман. Ота-онанинг тилаб олган ёлғиз ўғли эди. Кексайиб қолган қайно-та-қайнонам тезроқ невара кўрсак, деб ўғлининг холи-жонига қўймадди. Мана шунга ҳам тўққиз йил бўлди. Яқинда эшитдим. Умид бола-чақали бўлиб кетибди. Отанам «қўзимиз очиклигида турмушга чиққин», дейишди. Бизнинг ёни-мизда бўлсанг, ёлғизлик нималигини билмайсан, деб ўзимга алоҳида уй сотиб олиб беришди. Шу ҳам-қасбимни ўзимга яқин тутиб, опамдай кўриб уларга қардимни айтган эдим.

Унга маълум келгани боис хотини вафот этган, етти ёшли эғиз фарзандлари бор, олий маълумотли, ёшига мос эркакнинг маълумотларини тақдим этдик. Насиб этса, Жамилаҳондан бизни қувонтирадиган хушхабар кутаяпмиз.

## ТАХРИРЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойдан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. **МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

# «ИНФАРММАДАД»

## Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

**КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳамиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригудан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригуда бўлади.

Ҳурмати эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачиши, жинсий оғизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терида, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Ғафур Фулом» метро бекати.  
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.  
**Тел:** (8-371) 244-73-24, 244-49-02  
Барча хизматлар лицензияланган.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плащ-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуқтани — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва маҳия — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда.
- Каштачилик — 3 ой машинада вишилка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

**Муассислар:** Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

<p>Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.</p> <p>«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 16:00</p> <p>E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20</p> <p>Мухбирлар: 234-25-46</p> <p>Котибият: 233-04-35</p> <p>Реклама бўлими: 233-04-50</p> <p>Web-site: oilavajamiyat.uz</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> Тошкент — 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида</p> <p><b>ОБУНА ИНДЕКСИ</b> — 176</p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9118 Навбатчи — Барно СУЛТОНОВА Саҳифаловчилар — Илхом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА</p> <p>ISSN 2010-7609</p> <p>2 3 4 5</p>
--	--	--